



ЗИЁДАХОҲ РАСУЛОВА

ЎЗБЕКЛАРНИҲ НИКОҲ
ТЎҲИГАЧА
БЎЛГАН ТАРОСИМЛАРИ
(ҚАЛИҲ БЕРИШ ОДАТИ МИСОЛИДА)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

Зиёдахон Расулова

**ЎЗБЕКЛАРНИНГ НИКОҲ ТҶҲИГА ЧА
БЎЛГАН МАРОСИМЛАРИ
(ҚАЛИН БЕРИШ ОДАТИ МИСОЛИДА)**

«Fan va texnologiya» нашриёти

3. Расулова. Ўзбекларнинг никоҳ тўйигача бўлган маросимлари (қалин бериш одати мисолида). Т.: «Fan va texnologiya», 2009, 140 бет.

Монографияда қалиннинг яшовчанлик сирини сабаблари ва бугунги кундаги зарурияти, қалин тушунчаси ва унинг тарихи, қалин ва маҳр ўртасидаги фарқ масалалари, шунингдек, қалин бериш ва уни бекор қилиш билан боғлиқ одатлар ҳамда унинг ҳажми масалалари ёритилади. Утмишда қалин тўлаш юқори ўрин тутган бўлса-да, унинг ижроси ҳамма жойда бир хилда бўлмаган. Тарихда минтақада юқорига нисбатан қуйи ижтимоий қатламлар кўпроқ бўлганлиги сабаб қалинни бекор қилувчи одатлар ҳам мавжуд бўлган. Булар: куёвнинг ишлаб бериши («ичкуёв», «куч куёв», «кучук куёв»), қиз алмашиш, «бел куда», «бешик куда», қиз томоннинг тўйга кетадиган харажатларини ўз бўйига олиши кабилардир. Баъзи вилоятларда амал қилиниб келинган одатлардан яна бири, бу қалиннинг маълум миқдорини тўлаб, кейин қолганини тўлашдир. Нима учун қалин унга нисбатан қилинган қаршиликларга қарамай, ҳамон яшаб келмоқда? Унинг сақланиш сирини нимада? Рисола бу саволларга жавоб топиш имкониятини беради.

Ушбу монография тарихчилар, этнологлар, аспирант ва талабалар, умуман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: тарих фанлари доктори З.Х. Арифхонова

**Тақризчилар: тарих фанлари доктори А. Аширов
филология фанлари доктори А. Эркинов**

ISBN 978-9943-10-246-1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009.

МУҲДАРИЖА

Кириш	5
Қалин тушунчаси ва унинг тарихи	7
Қалинни бекор қилувчи одатлар	30
Қалиннинг берилиши	40
Қалиннинг ҳажми	45
Ўзбеклар ҳаётида қалиннинг тутган ўрни	66
Хулоса	83
Адабиётлар рўйхати	85

КИРИШ

Тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-русм, маросимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига бир қатор омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шундай омиллардан бири турмуш тарзидир. Барча халқ урф-одатлари, анъана ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, нафақат моддий, балки маънавий, ахлоқий меъёрлар турмуш шароитининг таъсири натижасида пайдо бўлган. Вақт ўтган сари улар тобора мустаҳкамланиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келган. Қалинни ана шундай одатлардан бирига киритишимиз мумкин. Қалин – никоҳ тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган пул, мол ва бошқа бериладиган тўловдир.

Алоҳида таъкидламоқ жоизки, урф-одат, маросим, анъана ва удумлар узоқ вақт давом этган тарихий тараққиёт маҳсулидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг турмушида унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари мавжуд. Лекин бу нарсалар узоқ вақт мобайнида вужудга келади, давр ўтиши билан уларнинг айримлари турмуш амалиётидан тушиб қолади, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлиб камол топиб боради. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилиши билан уларнинг сафи ва сифати ўсиб, ўзгариб боради. Абдурауф Фитрат айтганидек, «урф-одатлар кўплаб илғор халқ анъаналари, халқ донолиги, халқ ижодиётининг макони, хазинасидир».¹

Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихи давомида қанчадан-қанча урф-одат ва анъаналарига, ҳаёт тақозоси туфайли вужудга келган маросимларга эга. Миллий анъана ва урф-одатлар асрлар оша янгича мазмун касб этади. Ўз навбатида замон ва давр талабига хос анъанавий урф-одатлар замонлар оша яшаб, келгуси авлодларга етиб боради. Кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилиши билан уларнинг сони ва сифати ўсиб, ўзгариб боради.

Қалин бериш одати қадимдан то бугунги кунгача сақланиб қолган. Қалин фақат ўзбек халқига хос бўлмаган одат

¹ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. Тарж. ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – 2-нашр. Т., 2000, 3-б.

ҳисобланилиб, кўпчилик қалин бериш одатига нима учун амал қилаётганини, унинг нима учун кераклигини, унинг асл моҳиятини ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳозирги кунда қалин фақат расмиятчилик учун бажарилади. Нима учун? Нима учун қалин шунча қаршилиқларга қарамай, ҳамон яшаб келмоқда? Қарийб бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қалиннинг сақланиш сирини нимада?

Ушбу монография Ўзбекистоннинг кўпгина вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларида олиб борилган кўп йиллик илмий этнографик дала ёзувлари ҳамда социологик тадқиқотлар натижасида тўпланган материаллар асосида ёзилди. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг турли жойларида бўлиб, хусусан Ўзбекистонда, халқнинг турмуши, урф-одатлари билан қизиққан олимлар, сайёҳлар, кузатувчилар ва бошқа кишилар ёзиб қолдирган қайдлар, ёдномалар мазкур ишнинг битилишига кўмак берди. Оила ва никоҳ, тўй маросимлари билан шуғулланган олимларнинг ишларидан олинган маълумотлар, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси давлат архиви фондларидан олинган ҳужжатлар у ёки бу фикрни аниқлашга, бойитишга хизмат қилди.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги кўп жиҳатдан оила ва никоҳ масалалари бўйича тарихшунослик ва этнология фанидаги баъзи бўшлиқларни тўлдиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади. Шунини ҳам қайд этишни истардикки, мазкур иш қалин бериш одатига доир дастлабки уриниш маҳсули ҳисобланади.

ҚАЛИН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИ

Мавзунинг ўрганилиш даражаси

Ҳар бир халқнинг ўзига хос қадимги миллий анъаналари бўлиб, у авлоддан авлодга ўтиб келади. Шунинг учун ҳам расм-русум, урф-одат ва анъаналар асрлар давомида яшайверади. Ана шундай урф-одатлардан бири қалин бериш одати ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқлари келиб чиқиши ва тарихий бир ҳудудда яшаши билан бир-бирларига боғланган. Улар бир ҳудудда шаклланганлигига қарамай, ўзларининг ўзига хос ижтимоий ва этномаданий анъаналарига, урф-одатларига, шу билан бирга, оила ва никоҳ муносабатларига эгадирлар. Кўплаб олимлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқининг оила-никоҳ муносабатларини ўрганганда, одатда, қалин бериш масаласига катта эътибор берганлар.

Бу масалага, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг ярмигача катта эътибор қаратилган. Аммо XX асрнинг ўрталаридан бошлаб қалин бериш одати фақатгина никоҳ қуришнинг асосий шартларидан бири сифатидагина эътироф этилиб, аксарият адабиётларда шунга ўхшаш умумий гапларни учратиш мумкин, холос. Бу ҳозирги кунда ҳам кўзга ташланади. Балки бунга XIX ва XX асрнинг ярмида қалин ҳақида кўп сўз юритилганлиги сабаб бўлгандир. Қалин жуда катта миқдорни ташкил қилган қозоқ² халқида бу масала бўйича нисбатан кўпроқ

² Левшин А.И. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч. III. СПб., 1832; Ибрагимов И. Этнографические очерки киргизского народа / Сб. РТ. В.1. М., 1872; Загряжский Г. Юридические обычаи киргиз и о народном суде у кочевого населения Туркестанского края по обычному праву / Матер. для статистики Туркестанского края. В. IV. СПб., 1876; Гродеков Н.И. Киргизы и каракиргизы Сырдарьинской области. Т. I. Т., 1889; Тонов В.Д. Обычаи и обычное право киргиз. Зап. РГО по отделению этногр. Т. XVII, В.2. СПб., 1891; Кустанаев Х. Этнографические очерки киргиз Перовского и Казалинского уездов. Т., 1894; Аничков И.В. К вопросу о калыме / Сб. Средняя Азия: Альманах. - СПб., 1895; Изразцов Н. Обычное право («адат») киргизов Семиреченской области // ЭО. 1897, № 3; Подварков А. Брак и развод у киргиз / Сб. Средняя Азия. Т., 1910, № 2; Аргынбаев Х.А. О некоторых пережиточных формах брака у казахов / Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана (отв. ред. Г.П. Снесарев). М.,

маълумот учрайди. Қирғиз, қорақалпоқ, тожик ва туркман³ халқларида қалин никоҳ қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланса ҳам, бу одат бўйича қозоқ халқига нисбатан камроқ маълумот учрайди.

Ўзбек халқида қалиннинг ўзи алоҳида ўрганилмаган бўлса ҳам никоҳ ва оила масалаларини ўрганган олимлар бу масалани четлаб ўтганлари йўқ.⁴ Аммо оила-никоҳ масалаларини ўрганган олимлар ишини умумий олиб қараганда қалин масаласи кам ўрганилган, десак ҳам бўлади. Ўрганилган асар, илмий ишларнинг кўпчилигида эса қалин ўзбек халқининг алоҳида гуруҳларида, маълум бир ҳудудларида кўрилиб, кам ёритилгандир. Унинг устига буларнинг кўпчилигида қалин фақат танқид остига олиниб, “эски урф-

1978, стр. 94–105; Ўша муаллиф. Свадьба и свадебные обряды казахов в прошлом и настоящем // СЭ. 1974, № 6, стр. 69–77; Ўша муаллиф. Традиционные формы брака у казахов / Этнографическая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989, стр. 244–259; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969 ва б.

³ Загряжский Г. Каракиргизы // ТВ. 1874, № 41; Абрамзон С.М. Свадебные обычаи киргизов Памира / Тр. АН ТаджССР. Т.120. Душанбе, 1959; Ўша муаллиф. Киргизское население Сынбэцзян-Уйгурской автономной области КНР / Тр. Киргизск. археол.-этногр. эксп. Т. II. М., 1959; Джумагулов А. Семья и брак у киргизов Чуйской долины. Фрунзе, 1960; Ибрагимов И. Некоторые заметки о хивинских туркменах и киргизах / Военный сб. СПб., 1874, № 9; Иомудская-Бурунова Д.Г. Женщина в старой Туркмении. Москва-Ташкент, 1931; Овезбердыев К. Материалы по этнографии туркмен-сарыков Пендинского оазиса / ТИИАЭ АН ТуркмССР. Т. 6. 1962; Ўша муаллиф. Семейные отношения у туркмен Мервского оазиса в к. XIX – н. XX в. / Исследования по этнографии туркмен. Ашхабад, 1956; Джикиев А. Свадебные обряды у туркмен-салыров в к. XIX – н. XX в. / ТИИАЭ АН ТуркмССР. Т. 7. Сер. этногр., 1963; Васильева Г.П. О роли этнических компонентов в сложении свадебной обрядности туркмен / Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана (отв. ред. Г.П. Снесарев). М., 1968; Гребенкин А.Д. Таджики // ТВ. 1871, № 20, 21; Кисляков Н.А. Калым и приданное у таджиков // Родовое общество: Этнографические материалы и исследования. М., 1951; Ўша муаллиф. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969; Ишанкулов Х.Г. Брак и свадьба у населения Ходжента в новое время. Душанбе, 1972 ва б.

⁴ Гребенкин А.Д. Узбеки // ТВ. 1871, № 29, 30; Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886; Народы Средней Азии и Казахстана / Под. ред. С.П. Толстов, Т.А. Жданко, С.Л. Абрамзон, Н.А. Кисляков. М., 1962; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Т., 1964; Ўша муаллиф. К этнической истории узбеков. Т., 1974; Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969; Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975; Ўша муаллиф. Брак // Семейный быт народов СССР (отв. ред. Т.А.Жданко). М., 1990; Этнос в доклассовом и раннеклассовом обществе. М, 1982; Джаббаров И.М., Салимов Т.У. Современные этнические процессы в Узбекистане. Т., 1985; Исмонлов Х. Ўзбек тўйлари. Т., 1992; Жаббаров И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994 ва б.

одатларга кураш сиёсати” туфайли бу одат ҳақидаги маълумотлар (айниқса, унинг қиймати) бўрттирилган ҳолда кўрсатилган ва ёритилганда хатоликларга йўл қўйилган (масалан, тўйнинг бошқа бир харажатларини ҳам қалинга қўшиб юборилиши).

Шунга қарамай, XIX асрнинг охирида А.Д. Гребенкин Зарафшон воҳаси ўзбекларида, эр-хотин В.П. Наливкин ва М.В. Наливкиналар Фарғона водийси ўзбекларида қалин ҳақида қизиқарли ва нисбатан тўлиқ маълумотлар берадилар.

Совет даврида М.О. Косвен қалиннинг келиб чиқиши ҳақида, Н.А. Кисляков қалин бериб уйланишни никоҳ шаклларида бири сифатида ўрганиб, қалин билан боғлиқ одатлар ҳақида, Н.П. Лобачёва Хоразм ўзбекларида қалин қандай ўрин тутиши, шу билан биргаликда у билан боғлиқ одатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирадилар.⁵

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг О. Бўриев, И. Шоймардонов, Қ. Насриддиновларнинг ҳамкорликда ёзган асариде Ўзбекистон жанубида (Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари) қалин бериш билан боғлиқ одатлар ҳақида, С.А. Соатова⁶ Юқори Зарафшон воҳаси мисолида, Г.С. Тошева Қашқадарё воҳаси мисолида қалинли никоҳ (никоҳ шаклларида бири сифатида) ҳамда у билан боғлиқ одатлар ҳақида ўз илмий ишларида,⁷ З.Х. Арифханова Тошкент шаҳрида қалиннинг қиймати ҳақида қизиқарли маълумотлар берадилар.⁸ Аммо бу асар ва илмий ишлар ҳам Ўзбекистоннинг маълум бир ҳудудларига тегишли бўлиб, қалинни тўлиқ очиб бера олмайди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқоридаги барча асарлар қалинни махсус ўрганишга бағишланмаган бўлиб, қалин тўй

⁵ Гребенкин А.Д. Узбеки // ТВ. 1871, № 29, 30; Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886; Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969; Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 52–66.

⁶ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999.

⁷ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002.

⁸ Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., 1995; Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. Т., 2006 ва б.

маросимларининг ажралмас қисми бўлганлиги сабаб, у бу асарларда четлаб ўтилмагандир.

Ф.Д. Люшкевич ва С.Н. Абашиннинг мақоласи, шунингдек, А. Мусакуловнинг публицистик руҳда ёзилган мақоласи айнан қалинга бағишланган бўлса ҳам, уни тўлиқ очиб бера олмайди. Уларнинг ишида қалиннинг фақат бир томони ёритилгандир. Шунга қарамай, улар қалинни қораловчилар орасида бу одатнинг ҳозирги кундаги зарурияти тўғрисида, шу кунгача нима учун сақланиб қолганлигининг сабаби ҳақида яхши фикрлар берадилар.⁹

Чет эл адабиётларининг бизда мавжудларида эса ўзбек халқида қалин бериш одати никоҳнинг асосий шартларидан бири сифатида эътироф этилган маълумотни Валдемар Жокелсон, Борис-Мэтью Петрик, Арно Руфьеларда¹⁰ учратамиз. Совет ҳукуматининг қалинга қарши олиб борган сиёсати ҳақидаги айрим маълумотларни Ҳабиба Фатхи, Х. Каррере-Д'Энкоссе ва А. Беннингсон¹¹ асарларида учратишимиз мумкин. Қалин ҳақида умумий маълумотлар (қалиннинг берилиши, қалин билан маҳр ўртасидаги фарқ, қалинга нисбатан олиб борилган кураш ҳақида) Мэриэн Кэмп¹² илмий тадқиқотларида ҳам учрайди.

⁹ Люшкевич Ф.Д. О значении термина «калыма» у народов Средней Азии / Краткое содержание докладов среднеазиатско-кавказских чтений. Вопросы этносоциальной и культурной истории Средней Азии и Кавказа. Л., 1983, стр. 14–15; Ўша муаллиф. Традиции межсемейных связей узбекско-таджикского населения Средней Азии (к проблеме бытования «калыма» и других патриархальных обычаев) // СЭ. 1989, № 4, стр. 58–68; Абашин С. Н. Калым и маҳр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). М., 1999, стр. 155–161; Мусакулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, № 11–12, 52–53-б.

¹⁰ Jochelson W. Peoples of Asiatic Russia. The American Museum of Natural History, 1928; Petric Boris – Mathiew. La redi'finition du pouvoir dans une socie'te' post – soviet'ique: L'Ozbekistan. Territories-don-Re'saux EHESS. The'se de doctoral en ethnologic et ew anthropologue sociale. Paris, 2000; Ruffer A. To'y, gap, ziyofat et bayram, espaces de construction des identities et des solidarite's en Ouzbekistan. EHESS, Ecole doctorale Asie mineure et interieure. Paris, 2002.

¹¹ Carrere – D'Encausse H. La femme musulmane en URSS. Esprit, 25, 7–8, 1957, P. 46–65; Benningsen A. La famille musulmane en Union sovietique. Cahiers du monde russe et sovietique, 1, 1959, P. 83–108; Fathi H. Femmes d'aurite' dans l'Asia Centrale contemporaine. Quete des ancetres et recompositions identitarires dans l'Islam postsovietique. Paris, 2004.

¹² Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. Seattle & London, 2006; Ўша муаллиф. The wedding Feast: Living the new uzbek life in the 1930s. Everyday life in Central Asia: past and present / edited by J.Sabadeo, R.Zanca. Bloomington and Indianapolis, 2007. P. 103–114.

Ўз навбатида, биз қалин масаласини Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ўзбек халқи мисолида ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Барчага маълумки, сўнгги йилларгача, айниқса, Совет даврида никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатларга диний, эскилик сарқити сифатида қаралиб, уларнинг кўпчилиги ортиқча (керакмас) деб саналган. Шуларнинг ичида қиз узатиш билан боғлиқ бўлган қалин бериш одати, юқорида айтганимиздек, энг кўп қораланган, десак ҳам бўлади. Қалин бериш одати собиқ Совет даврида фақатгина қораланиш билан чекланмасдан, унга астойдил кураш ҳам олиб борилган. Бу одат ҳозирда ҳам маъқулланмайди (собиқ Совет давридан фарқли ўлароқ ҳозир бу одатни қораловчи ва оқловчилар бор). Айнан шунинг учун ҳам қалинни ёритиб беришда биз бу одатнинг ҳозирги кунга қадар сақланиш сабабига, унинг ижобий ва салбий томонларининг таҳлилига асосий эътиборни қаратдик. Фикримизни тегишли адабиётлар ва шу мавзуда олиб борган дала тадқиқот ҳамда этносоциологик тадқиқотларимиз асосида исботлашга ҳаракат қиламиз. Ўз навбатида, бу одатни тўлиқ очиб беришга ҳаракат қиламиз, чунки фақат қалин бериш одатини тўлиқ очиб берган тақдирдагина биз унинг сақланиш сирини билишимиз мумкин.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, қалинни тадқиқ этишда 2001 – 2007 йиллар давомида 200 дан ортиқ ахборотчилардан дала маълумотлари йиғилди. 2006 – 2007 йилларда 300 та респондентларда анкета орқали сўров ўтказилди Умумий ҳисобда 500 дан ортиқ ахборотчи ва респондентлардан маълумот олинди.

Этнографик тадқиқот Тошкент шаҳрининг (2001 – 2007 й.) куйидаги туманларида ўтказилди: Чилонзор тумани – «Дўмбиробод», «Қозиробод» маҳаллалари; Сергели тумани – «Амир Темур», «Нилуфар», «Янги ҳаёт», «Темур йўлчи», «Янги турмуш», «Иттифок» маҳаллалари; Шайхонтахур тумани – «Самарқанд дарвоза», «Зангиота», «Янгишаҳар», «Янгиобод», «Янгиқомолон», «Кўкча», «Қоратош», «Шофайз», «Боғ кўча», «Оқтепа», «Гулзор», «Бўстон», «Хувайдо», «Шайхонтахур», «Ўзбекистон», «Уқчи», «Комолон», «Жарарик», «Ўрда», «Олмазор», «Ибн Сино», «Илғор», «Ипакчи» маҳаллалари; Собир Раҳимов тумани – «Сағбон», «Ғани Аъзамов», «Қўштут», «Абдулла Набиев», «Ўзбекистон», «Чимбой», «Умид», «Ҳофиз

Куджий», «Наъмуна», «Ген. Комилжон Гофуров» маҳаллалари; Юнусобод тумани – «Наврўз», «Акбаробод» маҳаллалари; Мирзо Улугбек тумани – «Шукур Бурхонов» маҳалласи; Учтепа тумани (аввалги Акмал Икромов тумани) – «Қорғди» маҳалласи.

Шунингдек, этнографик тадқиқот Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида ўтказилди: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани (2004 й.); Самарқанд шаҳри (2001 – 2002 й.); Андижон вилоятининг Булоқбоши ва Хўжаобод туманлари, Андижон шаҳри (2004 – 2006 й.); Фарғона вилояти Қўқон шаҳри (2004 й.); Наманган вилояти Поп тумани, Наманган ва Поп шаҳарлари (2006 й.); Навоий вилояти Навоий шаҳри (2003 й.); Қашқадарё вилояти Китоб ва Шаҳрисабз туманлари (2004 й.); Сирдарё вилояти Сардоба тумани (2005 й.); Хоразм вилояти Янги ариқ ва Қўшқўпир туманлари, Урганч ва Хива шаҳарлари (2005 й.); Бухоро вилояти Шофиркон тумани, Бухоро шаҳри (2007 й.).

Ахборотчиларнинг ёши: 19 – 29 гача – 7 %, 30 – 39 гача – 12 %, 40 – 49 гача – 19 %, 50 – 57 гача – 29 %, 58 – 70 гача – 20 %, 83 – 96 гача – 13 %.

Ахборотчиларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи (саноат) – 7 %, ишчи (қишлоқ хўжалиги) – 4 %, пудратчи деҳқон – 10 %, фермер – 8 %, хизматчи – 44 %, нафақадор – 25 %.

Ахборотчиларнинг миллати: ўзбеклар – 93,6 %, тожиклар – 4,7 %, эронийлар – 4,7 %.

Этнографик тадқиқот (дала маълумотлари) – ахборотчиларга махсус саволлар берилиб, маълумотлар улар билан суҳбат тарзида олинади.

Этносоциологик тадқиқот – респондентларга махсус саволлар анкеталарда ўз жавобларини ёзишлари учун берилиб, уларнинг жавоблари асосида маълумот олинади.

Этносоциологик тадқиқот Тошкент шаҳри, Наманган ва Андижон вилоятларида ўтказилди. Тадқиқот 2006 йилнинг 8 – 20 августида Наманган вилоятининг Поп шаҳрида ва Андижон шаҳрида, 2007 йилнинг апрел-июл ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Поп шаҳридан сўровнома 100 кишидан олинган, 43 % эркалар, 57 % аёллардир.

Респондентларнинг ёши: эркаklar – 25 – 27 гача – 20,9 %, 28 – 30 гача – 16,3 %, 31 – 33 гача – 13,9 %, 34 – 36 гача – 23,3 %, 37 – 41 гача – 7 %, 44 – 46 гача – 7 %, 48 – 50 гача – 7 %, 51 – 69 гача – 4,6 %; аёллар – 20 – 26 гача – 31,6 %, 27 – 30 гача – 10,5 %, 33 – 36 гача – 21,1 %, 37 – 40 гача – 12,3 %, 41 – 46 гача – 17,5 %, 47 – 53 гача – 7 %.

Респондентларнинг миллати: ўзбеклар – 84 %, қорақалпоқлар – 9 %, тожиклар – 3 %, қozoқлар – 3 %, қирғизлар – 1 %.

Респондентларнинг маълумоти: 6-синф – 2 %, 7-синф – 6 %, 8-синф – 1 %, 9-синф – 3 %, 10-синф – 20 %, ўрта махсус – 39 %, тўлиқ бўлмаган олий – 5 %, олий маълумотли – 27 %.

Респондентларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи (саноат) – 7 %, ишчи (қишлоқ хўжалиги) – 4 %, пудратчи деҳқон – 10 %, фермер – 18 %, хизматчи – 44 %, нафақадор – 5 %, бошқа (уй бекаси; тикувчи; зиёли; савдогар; МФЙ раиси; МФЙ посбони) – 12 %.

Андижон шаҳридан сўровнома 100 кишидан олинган, 35 % эркаklar, 65 % аёллардир.

Респондентларнинг ёши: эркаklar – 20 – 34 гача – 11,4 %, 37 – 41 гача – 14,3 %, 44 – 50 гача – 42,8 %, 52 – 56 гача – 14,3 %, 61 – 71 гача – 11,4 %; аёллар – 17 – 24 гача – 5 %, 28 – 34 гача – 18 %, 35 – 44 гача – 11 %, 46 – 54 гача – 5 %, 56 – 56 гача – 4 %.

Респондентларнинг миллати: ўзбеклар – 99 %, уйғурлар – 1 %.

Респондентларнинг маълумоти: 6-синф – 1 %, 8-синф – 3 %, 9-синф – 3 %, 10-синф – 12 %, ўрта махсус – 41 %, тўлиқ бўлмаган олий – 15 %, олий маълумотли – 25 %.

Респондентларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи (саноат) – 9 %; ишчи (қишлоқ хўжалиги) – 2 %; хизматчи – 49 %; нафақадор – 13 %; бошқа (ўкувчи, талаба, уй бекаси, хунарманд, тадбиркор, савдогар, оқсоқол) – 27 %.

Тошкент шаҳридан сўровнома 100 кишидан олинган, 42 % эркаklar, 58 % аёллардир.

Тадқиқот ўтказилган туманлар: Мирзо Улуғбек (Хумоюн, Магрур, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Ойбек, Аҳмад Югнакий маҳаллалари) – 26 %, Сергели (Амир Темур, Нилуфар, Янги ҳаёт, Темур йўлчи, Янги турмуш, Иттифoқ маҳаллалари) – 22 %, Юнусобод (Акбаробод маҳалласи) – 13 %, Собир Раҳимов (Янги Тошкент, Тахтапул, Белтепа, Учтепа, Қорёғди, Қўштут

маҳаллалари) – 10 %, Шайхонтахур (Боғ кўча маҳалласи) – 7 %, Чилонзор – 7 %, Миробод – 5 %, Яккасарой (Абдулла Қаҳҳор, Жамбул маҳаллалари) – 5 %, Ҳамза (Бинокор маҳалласи) – 5 %.

Респондентларнинг ёши: эркалар – 20 – 27 гача – 38,1 %, 43 – 48 гача – 35,7 %, 50 – 53 гача – 14,3 %, 57 – 59 гача – 11,9 %; аёллар – 19 – 21 гача – 8,5 %, 22 – 25 гача – 6,8 %, 27 – 29 – 6,8 %, 30 – 34 гача – 11,9 %, 36 – 38 гача – 11,9 %, 39 – 42 гача – 13,5 %, 43 – 45 гача – 10,2 %, 47 – 49 гача – 6,8 %, 51 – 55 гача – 8,5 %, 56 – 59 гача – 10,2 %, 60 – 68 гача – 5,1 %.

Респондентларнинг миллати: ўзбеклар – 96 %, қозоқлар – 2 %, тожиклар – 1 %, уйғурлар – 1 %.

Респондентларнинг яшаш жойлари: ҳовли уй – 49 %, кўп қаватли уй – 51 %.

Респондентларнинг маълумоти: ўрта махсус – 35 %, тўлиқ бўлмаган олий – 18 %, олий маълумотли – 37 %, илмий даража – 10 %.

Респондентларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи – 11 %; хизматчи – 65 %; нафақадор – 3 %; бошқа (талаба, уй бекаси, хунарманд, тадбиркор, савдогар) – 21 %.

Қалин тушунчаси ва унинг тарихи

Қалин – никоҳ тўйида қиз учун куёв томонидан бериладиган пул, мол, буюм ва шу қабилардир. «Қалин» туркий сўз бўлиб, «қиз учун тўланадиган ҳақ» ёки «келин томонга бериладиган моддий ёрдам» деган маънони англатади.¹³ Қадимги туркий тилда қалин сўзининг вазият ва матнга кўра, кўп сонли, саноксиз, гуруҳ, тўпланиш, кенгаш, оломон, йўғон, зич маънолари бўлган. Анъанага биноан қалин миқдори ҳам маълум бир қоидаларга бўйсунган. Қиз томон ўзи истаган қалин талаб қилавермаган. Қалин одатда уруг кенгаши, оқсоқоллар томонидан белгиланган. Шунга асосан, А. Мусақулов қалин сўзининг луғавий, тарихий

¹³ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғатит турк. III том. Т., 1963, 382-б.

маъносини уруғ кенгаши белгилаган ва йигит томонидан қиз томонига бериладиган анъанавий тўлов, деб изоҳлайди.¹⁴

Қалиннинг пайдо бўлиши ибтидоий даврга бориб тақалади. Моногамия ва мустақкам патрилокалликка ўтиш билан никоҳ шаклларида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлган. Аёлга меҳнат кучи сифатида қаралиб, оила уни кузатар экан, унинг эвазига маълум ҳақ тўлашни талаб қилишни бошлаган.¹⁵ Патриархал тузумнинг емирилиши натижасида оиланинг қайта тузилиши туфайли, аёлларнинг мавқеи ўзгарган. М.О. Косвеннинг маълумотларига кўра, агар илгари патриархал оилада она уруғи асоратларини сақлаб қолган ва катта оила жамоаси бошлиғи «катта» аёл билан бирга барча катта ёшдаги ўз обрўлари, ўз шахсий ва мулкый мустақилликларига эга бўлган бўлсалар, кейинчалик, айниқса, кичик оилаларда аёллар ўзларининг барча ҳуқуқларини йўқотганлар. Ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий соҳаларида машғул бўлган эркаклар меҳнатининг хўжалик аҳамияти орта борган. Уй хўжалигининг ривожланиши ва айрим соҳаларга бўлиниши натижасида аёллар меҳнати борган сари фақат уй ишлари билан чегараланиб қолган. Буларнинг ҳаммаси аёлларнинг ижтимоий тақдирини белгилади. Қалин тўлаб уйланишнинг пайдо бўлиши уларнинг тақдирини янада оғирлаштирган. Оила ўзининг ҳар бир аъзосига ишчи кучи сифатида қараб, қизни эрга бера туриб, оила унинг эвазига ҳақ тўлашни талаб қилган. Савдо-сотикнинг ривожланиши билан аёлларнинг меҳнат баҳоси ўз ифодасини тўла топди. М.О.Косвеннинг таърифи бўйича, «аёлнинг баҳоси» пайдо бўлди.

Славян қабилаларида ҳам қалин бериш одати мавжуд бўлиб, у сепдан фарқли равишда *вено* деб юритилган. Славянлардаги вено, мўғул ва туркий халқлардаги қалин дастлаб турли хил буюмлар беришдан, кейинчалик, айрим ҳолларда, пул тўлашдан иборат

¹⁴ Мусакулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, № 11–12, 53-б.

¹⁵ Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 135-б.

бўлган.¹⁶ Жанубий Африкадаги зулус қабилаларида эса қалин *лоболо* (*лобола*) деб юритилиб, мол (чорва) билан берилган.¹⁷

Юқорида қалинни, айниқса, Совет даврида каттиқ қораланганлиги тўғрисида айтиб ўтдик. Шу боисдан, М.О. Косвен ўзининг «Ибтидий маданият тарихидан очерклар» асарида қалинга нисбатан салбий муносабатини билдирган ҳолда қуйидаги маълумотларни беради. У қалинни саҳналаштирилган савдо битимига ўхшатади, яъни совчи «савдогар», қиз «маҳсулот»дир. Сотиб олинаётган қизни кўриш одатига айланиб бораётган ва савдо битими тузиш тусини олган расмий никоҳ – *қиз кўриш* тўй маросимининг муҳим қисмига айланган. Қиз томон келин кўриш вақтида қизнинг ҳамма камчиликларини айтиб бериши зарур бўлган, акс ҳолда никоҳ ҳақиқий бўлмаслиги ёки белгиланган нарх камайтирилиши мумкин бўлган. «Хуш келибсиз, совчилар, – дер эди қадимги белорусларда қизнинг отаси қизини кўрсатиш пайтида, – менинг молим кўр эмас, чўлоқ эмас, худо менга ҳам шундай келин ато қилсин». М.О. Косвеннинг «қалин келинни сотиб олиш учун берилади» деган фикрига ва умуман, бу борада биз қалиннинг ўрни ҳақида сўз юритганимизда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Қалин тўлаб уйланиш *сепнинг* таркибини ҳам ўзгартирди. У кўпинча қалин қийматига баробар бўлиб, эрнинг шахсий мулки бўлиб қолди, кейинчалик сеп бериш бутунлай йўқолди ва кейинчалик касал, хунук ҳамда бошқа камчиликлари бўлган қизларга бериладиган сеп сифатида янгидан пайдо бўлди.¹⁸

Хотин сотиб олиш *кўпхотинликнинг* ривожланиши ва кенг тарқалишига замин яратади. Бадавлат одам ўзига бир неча хотин сотиб олиши мумкин бўлган. Биринчи навбатда, айнан, катта оила бошлиқлари, патриархлар кўп хотин ола бошлаганлар. Камбағал, ёшроқ эркеклар бир хотин билан қаноатланган. Кўпхотинликда

¹⁶ Косвен: Косвен М.О. Ибтидий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 214-6.; Мусақулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, № 11–12, 52-6.

¹⁷ Қаранг: Ольдерогге Д.А. Из истории семьи и брака (Система *лобола* и различные формы кузенного брака в Южной Африке) // СЭ. 1947, № 1, стр. 13–30; Этнос в доклассовом и раннеклассовом обществе. М, 1982, стр. 19–20.

¹⁸ Қаранг: Косвен М.О. Ибтидий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 135–136-6.

биринчи хотин доим бошлиқ бўлиб, кейингилари эса унга кўпинча итоат этган.¹⁹

Оила ривожланишининг бу босқичида (ибтидий жамоа тузумининг емирилиш даври) никоҳнинг янги ғояси яратилди. Никоҳ ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб қолди, чунки никоҳ йўли билан оиланинг хўжалик кучи мустақкамланди: у оилага янги ишчи-хотин олиб келди ва хўжаликнинг, янги авлоднинг давом эттириш шарти ҳисобланди. Катта ёшдаги бўйдоқларни қоралаш ва «қари қиз»ларга бошқача муомала қилиш ҳам шундан келиб чикди. Никоҳнинг янги шакли аёллар олдига ўзгача талаблар қўйди. Улар туғишлари лозим эди. Натижада, фарзандсиз аёллар айбланди, кўп болали аёллар шарафланди. Хотинларга фақат хўжалик нуқтаи назардан қараш қалиннинг миқдорида ҳам акс этди: «Соғлом бола туғишга қобилиятли аёллар юқори баҳоланди».²⁰

Кўриниб турибдики, қалин ислом динидан анча аввал пайдо бўлиб, динга ҳеч қандай алоқаси йўқ.²¹ Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши ҳам қалин каби ибтидий расм-русумларни йўқолиб кетишига ёки ўзгаришига таъсир кўрсата олмаган. Балки бундай одатларга диний тус беришга ҳаракат қилган. Шу тарзда қалин ислом дини тан олган ва феодал-патриархал давлати жамоатчилиги фикри томонидан тасдиқланган қадимий маросим сифатида сақланиб келмоқда.

Бундай жараёни биз биринчи ислом динини қабул қилган ва бошқа халқларни шу динга ўтказган араб халқида ҳам кўрамиз. Мусулмон арабларда қалин пули бериш ота-онанинг ҳуқуқи ҳисобланган. Қиз бу пулларни заргарлик буюмлари учун ишлатган.²² Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, юқорида келтирилган ибтидий даврдаги қалин бериш одати ханузгача барча мусулмон халқида сақланиб қолиши билан бирга мажбурият ҳам ҳисобланади.

¹⁹ Косвен М.О. Ибтидий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 215–216-б.

²⁰ Ўша жойда, 216-б.

²¹ Қаранг: Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994, 217-б.; Жабборов И. Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб. Т., 1983; Мусакулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, № 11–12, 52-53-б.; Окмуродов Т. Қайта қуриш шароитида меҳнат, турмуш ва мафкуравий тарбия. Т., 1990, 45-б.; Умрзокова О. Социалистик турмуш ва халқ анъаналари. Т., 1967 ва б.

²² Dickson H.R.P. The Arab of the desert. London, 1951, p. 147.

Аммо шу ўринда, кўпчилик «қалинни ислом дини тан олган» деганда, нима назарда тугилади? Бу борада биз қалин ҳақидаги ҳар хил фикрларга ойдинлик киритмоқчимиз.

Исломда қалиннинг ўрни ва қалин билан маҳр ўртасидаги фарқ

Ф. Отахўжаев ўз асарида қалин мусулмон одати сифатида XIX аср – XX аср бошларигача расмийлаштирилган эди, дейди. Унинг фикрича, шариат бўйича никоҳ аҳдини тузиш шартларидан бири қалинни тўлаш ва ажратилган маҳрни беришдир. Бусиз никоҳ ҳақиқий эмас деб ҳисобланган.²³ Муаллиф бу маълумотларни нимага асосланиб ёзганлиги номаълум. Аммо асарининг «Шариат ва одат бўйича никоҳ» бандининг бошида Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Хидоя. Комментарий мусульманского права» асарига изоҳ берган.²⁴ Бу олимнинг ушбу асарни кўриб чиққанлигидан далолат беради. Аммо бу асарнинг ўзига келадиган бўлсак, у ҳолда бу ерда қалин тўғрисида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. Кўринишидан Ф. Отахўжаев бу асарда айнан маҳрни англатувчи русча «вено»²⁵ сўзини қалин билан адаштириб хатога йўл кўйган, шекилли.²⁶ Чунки Бурҳонуддин Марғинонийнинг ўзбек тилидаги «Хидоя»²⁷ асарида ҳам қалин ҳақида ҳеч қандай сўз юритилмаган. Маҳрга эса алоҳида боб ажратилган.

Шариат – арабча «шаръа» – йўналтирмақ, қонунчилик, тўғри йўл маъносини англатади.

Унга Қуръон ва «Сунна» асос қилиб олинган бўлиб, мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солувчи диний ҳуқуқ тизимини ташкил этади. Шариатдаги қоидаларда никоҳ-оила ва маиший масалаларга

²³ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995, 39-б.

²⁴ Уша жойда, 35-б.

²⁵ Вено – 1. қалин, маҳр; 2. сеп (Қаранг: Русско-узбекский словарь. Том 1. Т., 1983, стр. 105).

²⁶ Қаранг: Хидоя. Комментарий мусульманского права. Том 1. Т., 1994, стр. 161–187.

²⁷ Қаранг: Марғиноний Б. Хидоя. I жилд. Т., 2000, 690–718-б.

алоҳида ўрин берилади. Шарият – бу кишилар амал қилиши учун Ислом /дини тарафидан буюрилган ҳукмлар ва низомлардир. Шарият ҳукмларини билиб олиш ҳар бир мўмин мусулмон учун фарз ҳисобланади. Шарият қоидаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда ислом дини қоидалари давлат ҳуқуқий меъёрларида мужассамлашади.

Шариятнинг учинчи далоли, манбаи ҳисобланган «Ижмоъ» – яқдиллик билан қабул қилинган қарор ёки жамоанинг ягона келишган фикри маъносини англатади. Бу қоидага кўра, Куръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фақиҳ ва мухтаҳидлар (яъни мустақил равишда диний-ҳуқуқий ақидавий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс) тўпланиб ягона бир фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши, фатво бериши тушунилади.

«Қиёс» (ўхшатиш, қиёслаш, аналогия) шариятнинг тўртинчи манбаи ва кейинги далилларни исботлаш воситалари қаторига киради.

Мусулмон ҳуқуқининг ҳамма соҳалари, шу билан бирга никоҳ, қон-қариндошлик, талоқ масалаларини қамраб олган манбалардан бири «Ҳидоя»дир (тўлиқ номи «Ҳидоя фи – фуруъил – фикҳ» – «Фикҳ соҳалари бўйича шарият қўлланмаси»). Бу қўлланма 4 жилдли 53 китобдан иборат бўлиб, унинг муаллифи марғилонлик Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ал-Риштоний Бурҳонуддин Марғилонийдир. Унинг бу асарида исломнинг қатор масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар ҳамда жиноят ва жазога оид татбиқ этиш лозим бўладиган чоралар батафсил ёритилган. Булардан ташқари, бу қонун-қоидалар мажмуасида мулкӣ ва молиявий муносабатлар, фуқаролик жараёни ҳуқуқига (гражданилик процессуал) ва бошқа масалаларга ўрин берилган. Ҳанафия мазҳаби хулосаларига асосланган бу асардаги қоидалар ҳам шу мазҳаб қонунлари каби нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналари эътиборга олинганлиги сабабли, асар аксарият мусулмон давлатларида кенг ёйилган, чунончи, қозилар, муомалат муносабатларидан келиб чиқадиган (фуқаролик, никоҳ, оила) ва бошқа низоли ишларни кўриб ҳал этишда бошқа манбалар билан бир қаторда «Ҳидоя»дан ҳам унумли фойдаланишган.

Шариат изоҳларининг тўплами «Мухтасар-ул Виқоя» ҳам катта эътиборда бўлган. Мирза Козимбек томонидан 1845 йилда Қозонда нашр этилган. Унинг қоидалари Туркистон ўлкасида қозилар томонидан кенг қўлланилган.²⁸

Бу борада савол туғилади: маҳр билан қалин ўртасида қандай фарқ бор?

К.Ф.Коттак айтганидек,²⁹ маҳр бу қалин эмас. Қалин ва маҳр ҳар хил нарса.

Собиқ Совет ҳукумати даврида нашрдан чиққан «Ислом. Справочник» маълумотнамасида нафақат маҳр ҳақида, балки қалин ҳақида ҳам алоҳида мақола³⁰ берилган. Бу билан справочник муаллифлари қалинни ҳам ислом терминиغا киритадилар. Унга кўра, маҳр (араб. – киз учун тўланадиган ҳақ, қалин (?! ... бу билан муаллифлар маҳр билан қалин бир нарса дейишмоқчими – З.Р.³¹) – мусулмон халқларида никоҳ пайтида куёв томонидан келинга совға қилинадиган кўчмас мулк. Ўзбекистонда ҳам давлат тўнтаришигача (1917) мавжуд бўлган (?! ... демак, уларнинг фикрича, кейинчалик у йўқолиб кетган – З.Р.). Маҳр имом ҳузурда икки эркак гувоҳлигида эълон қилинган, никоҳ ўқилган. Маҳрни фақат аёлнинг ўзи тасаррув этиши мумкин бўлган. Маҳр бериш одати Куръон асосида шариатда қонунлаштирилган эди. Ўрта Осиёда ислом тарқалгандан кейин маҳаллий ўрф-одатлар билан аралашиб қалин шаклига кирган. Маҳр ва қалин бериш амалда тугатилди, оиладаги мулкий муносабатлар, никоҳ ва оила ҳақидаги алоҳида қонунлар билан тартиблаштирилди. Лекин ўтмишнинг саркитларидан бири сифатида қалин тўлаш (сут пули ва бошқа никоҳлар остида) баъзан учраб туради, унга қарши кескин кураш олиб бориш ҳозир ҳам муҳимдир.³² дейилади.

²⁸ Қаранг: Шораҳмедов Ш. Ўзликни англаш мавриди ёхуд мусулмон ҳукукида – фуқаролик ишларини ҳал этиш (юритиш)нинг айрим масалалари ҳақида // Халқ сўзи. 1993, 24 август; Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳукукий тартибга солиниши. Т., 1995, 32–33-б.

²⁹ Қаранг: Kottak K.Ph. Cultural anthropology. The University of Michigan, McGraw-Hill, 1999.

³⁰ Ҳар қандай справочник – маълумотномада берилган сўзнинг изоҳи, маъноси, маълумоти (бир гапдан иборат бўлса ҳам) мақола, деб юритилади.

³¹ Тагига қизилган гапларга эътибор беринг. Улар ҳақиқатга тўғри келмайди.

³² Маҳр // Ислом. Справочник / М.А. Усмонов таҳрири остида. Т., 1987, 122–123-б.

Қалин маълумотномада қуйидагича берилган: «Қалин (турк. қолим) ← мусулмонларда уйланиш вақтида келин учун тўланадиган пул ва мол».³³

Маълумотнома Совет даврида нашрдан чиққанлиги боис, у атеистик руҳда ёзилган ва, албатта, қалин ҳамда маҳрнинг амалда қўлланилиши беркитилган. Яна шуни эътиборга олиш керакки, маълумотнома диний уламоларнинг аралашувисиз файласуфлар томонидан тузилгандир. Аммо бир нарса бизнинг эътиборимизни ўзига жалб қилади. Бу маҳрнинг қалин шаклига кириш ҳақидаги маълумотдир.

Бу борада Х.Г. Ишанкулов қуйидагича тушунтириш беради. Унинг фикрича, Ўрта Осиё шароитида маҳр маҳаллий урф-одатлар таъсири остида қарор топди.³⁴ Унинг таъкидлашича, қалин шариат қатъий белгилаган ўлчамларга зид келади, аммо руҳонийлар «иккиюзламачилик» билан қалинни «маҳр» деб атай бошлаганлар (аниқроғи унинг тўй маросими пайтида нақд тўланадиган қисмини). Қонунга тўла амал қилиш учун эса руҳонийлар келинни маҳрни ўз отасига бериш тўғрисидаги гапни айтишга «мажбур» қилишарди. Шу аснода расмиятчиликка амал қилиниб, қалин маҳр шаклида ифодаланган.³⁵ Бугунги кунда диний уламолар бу ҳақда нима дейди?

Ушбу савол кўпчиликни қизиқтирганлиги боис «Динда саволим бор...» рисоласида³⁶ ҳам ўрин олган. Ундаги жавоб бизнинг фикримизни тасдиқлайди. Яъни исломда қалин умуман йўқ, балки қалиндан тубдан фарқ қиладиган «маҳр» бор. Ф. Отахўжаевнинг ёзишича, маҳр – никоҳ аҳди тузилиши жараёнида эр томонидан ўз мулкидан хотинига берилиши лозим бўлган уй-жой, сепдир.³⁷ Аслида маҳр – ўзи рози бўлиб оила қуришга ихтиёр қилган қизга куёвнинг кўнглидан чиқариб берадиган ҳадяси, совғаси. Бошқача қилиб айтганда, маҳр – никоҳ

³³ Қалин // Ислом. Справочник / М.А. Усмонов тахрири остида. Т., 1987, 191-б.

³⁴ Ишанкулов Х.Г. Брак и свадьба у населения Ходжента в новое время. Душанбе, 1972, стр. 97.

³⁵ Ўша жойда, стр. 100.

³⁶ Қаранг: Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. Т., 2004, 88-б.

³⁷ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995, 35-б.

вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк.³⁸

Янги нашрдан чиққан «Ислом. Энциклопедия: А – Ҳ»да Совет даврида нашрдан чиққан «Ислом. Справочник»игидан фарқли ўлароқ қалин ҳақида мақола мавжуд эмас. Сабаби қалиннинг исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Маҳр борасида эса куйидагича ёзилган:

«**Маҳр** (туркча меҳр; синоними садок) – тенг ҳуқуқли никоҳ (завож) тузилган пайтда хотинига ажратиб берадиган мулк. **Маҳр тўлаш** – шундай никоҳнинг асосий шарти бўлиб, никоҳ муносабатлари учун хотинга тўланадиган ҳақ сифатида қаралади. Маҳр фақат хотинига тегишли бўлиб, хотиннинг эри вафот этса ёхуд эри талоқ этиб бева қолгудек бўлса, уни моддий таъмин этган. Озми-кўпми қийматга эга ва мулк ҳуқуқи жорий этилган барча нарса маҳр бўлиши мумкин. Энг кам маҳр миқдори **10 дирхам (30 г кумуш)**, энг кўпи чекланмаган. Маҳр куда томонларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади. Маҳр миқдори ва уни тўлаш шартлари алоҳида никоҳ битими (сиға)да айтилади. Маҳр никоҳ шартномаси тузилган заҳоти берилиши (маҳр муъажжад) ёки бўлиб-бўлиб, ёхуд ажралиш пайтида (маҳр муъажжал) берилиши мумкин. Маҳрнинг катта қисмини куёв албатта тўй куни қимматбаҳо буюмлар, безаклар, кийимлар ва бошқа (садок) кўринишида олиб келиши шарт бўлган, бу ҳам никоҳ шартномасида алоҳида қайд этиб ўтилиши лозим. Маҳр келиннинг васийси ёки ишончли одамига (вакил ота), одатда отаси ёки қариндошларининг каттага берилиши мумкин, зеро, борди-ю ажралиш содир бўлса, келин ўша хонадонга қайтиб бориши мумкин бўлсин. Бир маҳр бевосита келинни ўзига ҳам берилиши мумкин, у ҳолда маҳр келиннинг шахсий мулки ҳисобланиб, келин уни тўла ҳуқуқли эгаси бўлган. Маҳрни ўз вақтида тўламаслик хотинга то у тўлиқ тўланмагунча шартли ажралиш (фасх) ҳуқуқини берган. Борди-ю, эр вафот этиб қолса, тўланмаган маҳр унинг мулкидан тегишли маҳр ажратилиб хотинга берилади. Хотин бундан ташқари эрининг меросидан ҳам улуш олиш ҳуқуқига эга. Борди-ю, аёлнинг ихтиёри билан никоҳ бекор қилинса (хул) ва икки томон бир-бирини қарғаб, лаънатлаб ажралишса (лиъан) ва

³⁸ Ўзбек тилининг изоҳли лугати / З.М. Маъруфов таҳрири остида. I том, М., 1981, 458-б.

махр тўланмаган бўлса, хотин киши маҳрдан маҳрум этилади. У ёки бу шаклда маҳр тўлаш одати ҳозиргача ислом мамлакатларида сақланиб қолган. Баъзи мамлакатларда маҳр миқдорини бироз чеклаш йўлида ҳукумат томонидан қонуний чора-тадбирлар кўрилмақда. **Маҳр фақат исломга хос, шунинг учун уни қалин билан айнан деб билиш хатодир. Қалин, гарчи ташқи томондан маҳрга ўхшаса-да, у исломни қабул қилган кўп халқларнинг қадимдан қолган урф-одати ҳисобланади**.³⁹

Шуни айтиб ўтиш керакки, «Ҳидоя» асарида⁴⁰ берилишича, махр бўлмаса ҳам никоҳ ҳақиқий ҳисобланади. Ўзбек халқи мансуб бўлган ҳанафийлик мазҳабида «никоҳ вақтида маҳр айтилмаса ҳам никоҳ дуруст ҳисобланиб, ўз-ўзидан маҳр мисл, яъни, ўша юртда шу келинга ҳуснда, ҳунарда, иқтисодда баробар келадиган аёл-қизларга қанча маҳр берилса, шунча маҳр бериш лозим. Аммо бошқа мазҳабларда масалан, Имом Шофеъий мазҳабида никоҳ вақтида маҳр айтилмаса никоҳ саҳиҳ бўлмайди», дейилган.⁴¹ Куръони Каримнинг Нисо сураси, 4-оятда⁴² шундай дейилган:

«Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни, чин кўнгилдан, мамнунлик билан) берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у маҳрдан бирон нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар».

XIX асрнинг охирида узоқ муддат Фарғона водийси аҳолиси орасида яшаган эр-хотин В.П. Наливкин ва М.В. Наливкиналар ҳам мусулмон қонунлари фақат биргина маҳр борасида қоидалар жорий қилади, деб ёзадилар. Шу билан бирга, улар ўзбекларда қалин одати мавжудлигини ҳам эътироф этадилар. У куёв томонидан келинга эмас, балки унинг ота-онасига ўз вақтида

³⁹ Маҳр // Ислам. Энциклопедия: А – Ҳ / 3. Ҳусниддинов таҳрири остида. Т., 2004, 158–159.

⁴⁰ Қаранг: Ҳидоя. Комментарий мусулманского права. I Том. Т., 1994, стр. 161; Маргиноний Б. Ҳидоя. I жилд, Т., 2000, 690-б.

⁴¹ Салоҳиддин Муҳиддин. Оила ва шаръий никоҳ одоблари: Маънавий мерос. – Т., 2004, 13-б.

⁴² Куръони Карим / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т., 1992, 55-б.

қизини тарбия қилишга кетказган харажатларини қайтариш учун берилади.⁴³

Худди шунингдек, М. Кэмп ҳам маҳр ва қалиннинг берилиши никоҳ қуришда асосий шартлардан бири бўлса, ислом қоидалари фақат маҳрга тегишли, дейди. Унинг маълумотича, шариат маҳрнинг энг кам миқдорини белгилаб қўйган бўлиб, унга кўра маҳрнинг кўпи чексиздир. Қалин эса туркий урф-одатлардан бири бўлиб, у фақат қизнинг отасига тўланган, ўз навбатида унинг миқдори отанинг ихтиёрида бўлган.⁴⁴ М. Кэмп маҳр билан қалиннинг фарқи ҳақида сўз юритар экан, қалин фақат туркий одат, деб, унинг ҳеч қандай ислом динига алоқаси йўқлигига алоҳида урғу беради.

Маҳрга куёв хоҳлаган нарсасини бериши мумкин, эҳтимол, у тилла тақинчоқлар бўлар, ҳозирда кенг тарқалган тилла узук бўлар, балки кўйлақлар ёки жавон бўлар – буни келин-куёвнинг ўзлари белгилашади (бугунги кунда бу кўпроқ ота-онанинг ихтиёрида). *Қалинда* эса аксинча, хоҳлаган нарса берилмайди ва келин-куёв унинг нархини белгиламайди. *Маҳр* – келиннинг шахсий дахлсиз ҳақи, мулки бўлади. Ота-онаси, яқинлари бунга асло аралаша олмайди ва келиннинг хоҳищисиз унга эгалик қилолмайди ҳам. *Қалиннинг* тақдирини эса келин эмас, балки унинг ота-онаси ҳал қилади ва у келиннинг шахсий мулки ҳисобланмайди. *Қалин* тўлик отанинг мулкига қўшилиб, унинг ўлиmidан сўнг меросхўрларга ўтади. *Маҳр* белгилашдан мақсад – бўлажак келинларни ҳурматлаш, эъозлаш, улар шундай совғаларга, хурсандчиликка сазовор шахслар эканини тасдиқлашдир. Шунингдек, бу – никоҳдан ўтиб ҳалол турмушга қадам қўйган бахтли кунларидан бир ёдгорлик ҳамдир. Қолаверса, *маҳр* – келиннинг ўз ота-онаси уйини тарк этиб, бўлажак оиласига кўчиб боришга, ўзи никоҳдан ўтаётган киши билан аҳли аёл сифатида яшашга рози бўлгани учун чин кўнгиладан бериладиган совғадир.⁴⁵ Демак, маҳр – бу совға.

⁴³ Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 201.

⁴⁴ Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, modernity, and unveiling under communism. Seattle & London, 2006, p. 45

⁴⁵ Қаранг: Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. Т., 2004, 88-б.; Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. 3-китоб. Т., 2005, 60–62-б.

қалин эса келинга, унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, васийларига пул, мол ёки бошқа мулклар билан бир қаторда тўланадиган **ҳақдир**. Маҳр қизга берилса, қалин қизнинг ота-онасига берилади.

Диний уламолар қалинни, аслида ўзи бидъатдан иборат бўлган олди-бердиларни Ислом дини белгилаб берган маҳрга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб айтадилар.

Бидъатнинг лугавий маъноси «янгилик киритиш» деганидир. Шаръий маъноси «динда бўлмаган нарсани динга қўйиш»дир. Диндаги бидъат 2 хил бўлади:

1) Эътиқодга тааллуқли бўлган бидъатлар: муътазилалар, равофизлар, жуҳаймия ва бошқа тоифаларнинг аҳли суннат-вал-жамоа эътиқодига қўйган фикрлари эътиқодий бидъатлардир. Ҳукмрон дин доирасида маросимларни янгича талқин қиладиган майллар. Ҳукмрон диннинг асосий муқаддас китоби, ақида ва талабларини тан олган ҳолда, маълум давр, ижтимоий куч ва муайян мамлакат эҳтиёжларини назарда тутиб, унчалик мақбул бўлмаган масалаларда танқидий мулоҳаза юритган кишилар бидъатчи ҳисобланган. Бидъат муайян ижтимоий табақаларнинг ҳукмрон доиралари ва уларнинг салбий мафқурасига нисбатан норозилик сиёсий ифодаси сифатида юзага келган. Масалан, Ўрта Осиёда ҳуррабийлар, «оқ ятаклилар», зиндиқлар ҳаракатининг мафқураси исломга нисбатан бидъат ҳисобланади. Бу ҳаракатлар бир томондан халқ оммасининг феодал зулмга қарши норозилигини ифодаласа, иккинчи томондан динни «яхшилаш» билан бозлиқ.

2) Аллоҳ ва Унинг расули кўрсатмаган бир иш ё одатни ибодат сифатида динга киритиш кабилар амалиётдаги бидъатлардир.⁴⁶

Динда унга янгилик киритиш ҳаромдир. Чунки дин Аллоҳ таолонинг расули орқали кўрсатган йўриғидир.⁴⁷ Лекин бугунги

⁴⁶ Қаранг: Бидъат // Ислом. Справочник / М.А.Усмонов таҳрири остида. Т., 1987, 58-б.; Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Шайх Абдулазиз Мансур, Мухаммад Шариф Жуман, Аҳмад Мухаммад. 6-китоб. Т., 2007, 72–73-б.

⁴⁷ Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Шайх Абдулазиз Мансур, Мухаммад Шариф Жуман, Аҳмад Мухаммад. 6-китоб. Т., 2007, 72–73-б.

кунда махр анъанасига рия қилинмаяпти.⁴⁸ Аниқроқ қилиб айтганда, у фақат оғизда айтилади-ю, амалда қўлланилмайди. Ундан фарқли ўлароқ, қалинга сақланиб қолган жойларда қаттиқ амал қилинмаяпти.

Хулоса шуки, бу икки тушунча фанда ҳуқуқнинг бир қисми сифатида қаралади, яъни улар никоҳ вақтида ўрнатиладиган мулкӣ ҳуқуққа киради. Аммо буларнинг ўртасида фарқ мавжуд: қалин одатга киради, яъни одат ҳуқуқи (одатий ҳуқуқий норма), махр эса шариатга киради, яъни мусулмон ҳуқуқидир (шариат ҳуқуқий нормаси).⁴⁹ Мазмунига кўра, улар ўртасида ҳар хил нуқтан назарлар мавжуд.

Одат (араб. анъана)⁵⁰ – одат ҳуқуқи, ёзилмаган қоидалар. Одат қоидалари асосан кўчманчи халқларга татбиқ этилган. Одат Туркистон ўлкасида кўчиб юрувчи халқлар (қозоқлар, қирғизлар)да никоҳ-оила муносабатларининг асоси ҳисобланган. Қозоқларда бир хил ҳуқуқий масалалар мазмунига кўра ҳар хил тушунчалар бўлган. Масалан, «Барант». Бу келиннинг ота-онасига тегишли бўлган чорва молларни зўравонлик билан ҳайдаб кетиш. «Аленгерлик» – қозоқ халқининг одат ҳуқуқига асосан жуда оғир амал. Аленгерлик – бу бева қолган хотин эрининг ака-укаларидан бирига, қариндошларига ёки уругига эрга чиқиш мажбурияти. Бевалик бошлангандан кейин бир йил ўтгач, бу бевага уйланиш ҳуқуқига эга бўлган. Аленгерлик одатини бажаришдан бош тортган бева болаларидан, чорвасидан, мол-мулкидан маҳрум этилиб, шундан сўнггина у ўз хоҳиши бўйича эрга тегиши мумкин бўлган. Бу қоидалар ўтроқ аҳоли ўртасида кенг тарқалмаган.

Одат – халқларда ички муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар ва анъаналар мажмуаси. Ислом динини қабул қилган халқларда одат шариат қонунлари билан бир қаторда жамоа

⁴⁸ Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. Т., 2004, 89-б.

⁴⁹ Қаранг: Абашин С.Н. Калым и махр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). М., 1999, стр. 156.

⁵⁰ Қаранг: Одат // Ислом. Справочник / М.А.Усмонов тахрири остида. Т., 1987, 142-б.; Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995, 32-б.

ҳаётини тартибга солишда рол ўйнаган. Одат кўпинча иқтисодий ва ахлоқий ҳаётнинг турли томонларига, оила ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Одат исломга қадар мавжуд бўлган анъаналардан келиб чиққанлиги сабабли ислом оламининг турли жойларида турлича кўринишларга эгадир. Хусусан, ўзбек халқи одатлари (урф-одатлар) ичида соф, шунингдек, ислом диний элементлари аралашиб кетганлари ҳам бор.

Шуни айтиш керакки, баъзи тадқиқотчилар қалин ва маҳрни яхлит бир нарса деб талқин қилишади. Жумладан, россиялик элшунос олим С.Н. Абашиннинг фикрича, «Қалин билан маҳр ўртасида «сезиларли» реал чегара йўқ. «Ўзаро совға алмашинуви» сингари тажриба мавжуд... У турли ёндашувда, ҳар хил ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий позициялардан қараганда гоҳ қалин, гоҳ сут пули, гоҳ сеп ёки тўй чиқимлари, ё маҳр бўлиб кўринади.⁵¹ Умуман олганда, С.Н. Абашин қалинни ўзининг терминида «фикция» деб атайди. Бу сўзнинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз таржимаси уйдирмадир. Аммо С.Н. Абашин қалинга нисбатан бу ерда кўпол термин ишлатгани билан у бошқа нарсани назарда тутган. Яъни «фикция» сўзида у «рамзий, номига» деган маъноларни назарда тутган. Унинг ёзишича: «... далилларга кўра қалин, агар у оддий ҳуқуқда никоҳ шартининг бир қисми деб тушунилса, – бу фикция (яъни рамзий, номига бажариладиган, фиктив), диний маросим формуласи, обрў-этибор белгиси».⁵²

Бу борада Н.А. Кисляков⁵³ ҳам «ўзбекларда шу нарса кўзга ташланадики, қалин бир қатор ҳолларда тўлик шаклда намоён бўлади, бошқа ҳолларда эса қийматида камаяди, қисқаради ва қандайдир фикцияга айланади ёки тўй байрамининг харажатлари ва янги келин-куёвлар таъминланишига кетадиган харажатларга айтилади», дейди. Буни С.Н. Абашин «бошқача қилиб айтганда, қалин ва сеп, қалин ва тўй харажатлари ўртасида моҳиятан ҳеч

⁵¹ Абашин С.Н. Калым и маҳр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). М., 1999, стр. 160.

⁵² Ўша жойда, стр. 158.

⁵³ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр. 77.

қандай чегара йўқ», деб тушунтиради.⁵⁴ Аммо шу билан бирга Н.А. Кисляков шуни тан оладики, у асосланган далиллар тасодифий ва тўлиқ эмасдир. Қалинга ўхшаш хулосага маҳрни таҳлил қилганда ҳам келиш мумкин, деб қўшимча қилади С.Н. Абашин. У ўз фикрини куйидагича изоҳлайди: «Маълум бўлишича, маҳр – бу ҳам фикция, диний маросим формуласи ва обрў-этибор белгиси экан. Шу билан бирга, бир хил ҳолатларда қалин ва маҳр бир-бирларига тўлиқ қўшилиб кетади, бошқа ҳолатларда бир-бирларини ўзаро тўлдириб турадиган ҳодиса сифатида зид қўйилади. Ҳар ҳолда, қалин ва маҳр ўртасида чегара йўқ, худди шунингдек, қалин билан сеп ўртасида, қалин билан тўй харажатлари ўртасида ҳам чегара мавжуд эмас. Аниқроқ қилиб айтганда, бу чегаралар сеп алмашинувини мусулмон хусусиятини уқтириб ўтмоқ учун диний маросимда ёки ўзининг моддий тўқлигини ва оиласини таъминлай олишга қодирлигини ошқора равишда (жамоат олдида) кўрсатиш муҳим бўлганда ва ҳоказоларда пайдо бўлади».⁵⁵

Бу билан С.Н. Абашин маҳр, қалин, сеп, тўй харажатлари бир нарса деган тўхтамга келган. Аслида эса бундай эмас. Маҳр билан қалиннинг қандай фарқи борлигини кўриб чиқдик. Қолганларида ҳам худди шундай фарқ мавжуд. Сеп билан тўй харажати икки томон ҳам қилади. Куёв томон келинга, келин томон куёв томонга сеп қилади, ҳар бири ўз харажати кўтаради (куёв томон фақат ошнинг хомини беради, холос), куёв томондан келган ҳар хил пишириқлар, таомларни ҳам келин томон ўзиники билан алмаштириб қайтаради. Тўғри, С.Н. Абашин айтганидек, улар ташқаридан бир хил кўринади. Лекин маҳр, сеп, тўй харажати ва қалин – бу ҳар хил нарсалар ва уларни адаштириш керак эмас.

Демак, шариат, мусулмон ҳуқуқи фақат маҳрни тан олади, аммо қалин моҳиятига кўра исломнинг энг муҳим асосларига зид бўлмаганлиги туфайли, мусулмон бўлмаган бу одатни маҳаллий руҳонийлар рад қилмайди.⁵⁶

⁵⁴ Абашин С.Н. Калым и маҳр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). М., 1999, стр. 158.

⁵⁵ Ўша жойда, стр. 159.

⁵⁶ Қаранг: Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 203.

Валдемар Жокелсон ҳам Туркистон халқлари ҳақида маълумот берар экан, бу ерда никоҳ фақат қалин тўлангандан сўнг ўқилади, дейди.⁵⁷ Агар куёв қалинни узоқ муддат тўласа, никоҳ ҳам шунча муддатга чўзилган.⁵⁸ Фақат қалин тўлиқ тўланганидан сўнг ёки қизнинг ота-онаси «қалин тўланди» демагунларича, ҳатто қалин охиригача тўланмаган бўлса ҳам, куёв қизга эрлик қилиши мумкин бўлган.⁵⁹ Бироқ эр-хотин бир ажрашиб, иккинчи бор никоҳдан ўтганда қалин тўланмаган.⁶⁰

Хулоса қилиб айтганда, қалиннинг юзага келиши ислом динига боғлиқ эмас, балки иқтисодий ҳаёт талабидан келиб чиқиб келин ва куёв оиласини бутлаш мақсадида харажат қилинади. Маҳр эса аёлнинг иқтисодий тангликда қўллаб-қувватлайдиган кўчмас мулкидир.

⁵⁷ Jochelson W. Peoples of Asiatic Russia. The American Museum of Natural History, 1928, p. 86

⁵⁸ Қаранг: Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 196; Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995, 39-б.

⁵⁹ Узбеки. (Народы России. Среднеазиатские народы) / Природа и люди. Иллюстрированный журнал, литературный, научный и политический. 1880, декабрь, стр. 9.

⁶⁰ Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995, 39-б.

ҚАЛИННИ БЕКОР ҚИЛУВЧИ ОДАТЛАР

Минтақада юқорига нисбатан куйи ижтимоий қатламлар кўпроқ бўлиб келганлиги сабабли қалинни бекор қилувчи ёки унинг миқдорини маълум даражада камайтиришга қаратилган одатлар ибтидоий даврдан то ҳозиргача сақланиб қолган.

Булардан ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш даврида пайдо бўлган қалиннинг бир тури *куёвнинг ишлаб беришидир*. Бунда матрилокал яшаш қолдиқлари энди янги шароитда, одатда жуда катта қалинни тўлаш қийин бўлгани учун вужудга келаётган янги шакл билан қўшилиб кетиши намоён бўлган. Бизгача у «*куч куёв*» ёки масхараланган тарзда «*кучук куёв*» одати⁶¹ (Ўзбекистон жанубида) сифатида етиб келиб, қалин тўлашга қурби етмаган йигитлар қизнинг отасиникида қалин ўрнига ишлаб бериши керак бўлган. Бунда куёвнинг хизмати тўй ва қалин харажатини қоплагач, хотинини олиб қайнотаникидан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Ҳозирда бу одат, агарда алоҳида бир ҳолларда учраб қолмаса, умуман олганда, йўқолиб кетган.⁶²

«*Ичкуёв*»⁶³ одати қирғизларда *куч куёв*, тожикларда *хонадомад*, ўзбекларда *ичкуёв* (қарлуқларда *куч куёв*) шаклида учрайди. Бу одатга кўра, оилада бир неча қиз ёки битта қиз бўлиб, ўғил бўлмаган ҳолларда куёвга келиннинг уйида яшаш шarti билан қиз беришган. Ўғли бўлмаган қизнинг ота-онаси қизини ақлли, меҳнаткаш йигитга эрга бериб, уни ўзига маҳрам – *ичкуёв* ўғил қилиб олганлар, шу билан биргаликда куёв қизнинг уйига

⁶¹ Қаранг: Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., 1995, 87-б.; Косвен М.О Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 215-б. ва б.

⁶² Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2002–2006 й.; Тошкент в. (Бўстонлик т.), 2004 й.; Самарқанд ш., 2001–2002 й.; Андижон в. (Андижон ш., Булокбоши ва Хўжаобод т.), 2004–2006 й.; Фарғона в. Кўкон ш., 2004 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.; Қашқадарё в. (Китоб ва Шахрисабз т.), 2004 й.; Сирдарё в. (Сардоба т.), 2005 й.; Хоразм в. (Урганч ш., Хива ш., Янги арик т., Қўшқўпир т.), 2005 й.; Бухоро в. (Бухоро ш., Шофиркон т.), 2007 й.

⁶³ Қаранг: Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., 1995, 87-б.; Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960; Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 59–60; Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 36-б.

хўжаликни юритувчи ишчи кучи сифатида, яъни хизматга келган. Бунда ҳам қалин тўланмаган, агар куёв камбағал оиладан бўлса, тўй харажатлари қизнинг ота-онаси зиммасига тушган. *Ичқуёв* бўлиш кўпоқ ночор оила йигитларига насиб этган. Қалин тўлашга қурби етмасдан уйланган ичқуёв умр бўйи қизнинг отасиникида ишлаган ва яшаб қолган, қайнотасининг топшириғи, кўрсатмаси, маслаҳати билан иш кўрган, рўзғорнинг барча маъсулиятли юмушлари унинг зиммасига тушган.

Н.П. Лобачёвнинг 1950 – 60-йилларда Хоразмда олиб борган тадқиқотиغا кўра, бу ерда *ичқуёвга* асосланган никоҳлар кўп учраган. Шунингдек, Н.П. Лобачёва хоразмликлар орасида бундай никоҳ маъқулланмаслигини қайд қилган ҳолда, «ичқуёвлик»ка қалинни тўлашга қурби етмаган, моддий таъминланмаган кишилар рози бўлган, деб таъкидлайди. 1968 йили Хазораспда олиб борган тадқиқотида, *ичқуёв* бўлган ахборотчи халқнинг унга нисбатан ёмон кўз билан қараганлиги боис қураётган уйини тезроқ битириб, унга кўчиб ўтиш истагини билдирган.⁶⁴

Ўзбекистонда бугунги кунда ҳам *ичқуёв* бўлиш кузатилади. Аммо бундай ҳоллар қалинни тўлолмаганликдан эмас, балки қиз ота-онасининг ўғли бўлмай (ўғли бўлиши ҳам мумкин), йигит эса моддий ёрдамга муҳтож бўлганда ёки куёв моддий ёрдамга муҳтож бўлмаса ҳам, келин ота-онасининг ўғли бўлмаганлиги сабаб, уларнинг ёлғиз қолмасликлари учун уни ўзларига ўғил қилиб олишмоқчи бўлганда учрайди. Лекин охириги пайтларда *ичқуёв*ларга ҳаваси (ёки ҳасади) келадиганлар ҳам учраятти. Бироқ халқ орасида бундай никоҳ маъқулланмайди.⁶⁵ «Омади келиб текин уйлик бўлиб қолди» ёки «Квартирада сиқилиб яшарди, энди ҳовлида мазза қилиб турибди» деганларни ҳам учратдик.⁶⁶

Қалиннинг кўплиги ва кўпинча уни тўлаш имкониятининг йўқлиги **қизни олиб қочиш** одатини моногомия ва

⁶⁴ Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 60.

⁶⁵ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2002–2006 й.; Тошкент в. (Бўстонлик т.), 2004 й.; Самарқанд ш., 2001–2002 й.; Андижон в. (Андижон ш., Булоқбоши ва Хўжаобод т.), 2004–2006 й.; Фарғона в. Кўкон ш., 2004 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.; Қашқадарё в. (Китоб ва Шахрисабз т.), 2004 й.; Сирдарё в. (Сардоба т.), 2005 й.; Хоразм в. (Урганч ш., Хива ш., Янги ариқ т., Кўшқўпир т.), 2005 й.; Бухоро в. (Бухоро ш., Шофиркон т.), 2007 й.

⁶⁶ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2006 й.

патрилокалликка ўтиш даврида вужудга келтирди, бу иш одатда қизнинг розилиги билан бўларди. Бундай никоҳ усули жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлган.⁶⁷

Қиз олиб қочиши одати Қашқадарё воҳаси аҳолиси орасида ҳозирда ҳам учраб туради. Ота-она қизини севган, ёқтирган йигитига бермаганида ёки йигит хонадони қалин пули ва тўй харажатларини тўлай олмаганда, қизнинг хоҳиши билан йигит уни олиб қочган. Кейинчалик қизнинг ота-онаси қизини шу йигитга беришга розилик билдиришган. Икки томон келишиб, ихчамгина тўй қилишган, қалин эса тўланмаган, баъзан қисман бўлса-да, эл удуми сифатида қалин тўланган. Агар қиз мажбуран олиб қочилса, келтирилган маънавий зарари учун куёв томон мол ва пул билан катта товон тўлаган ҳоллар ҳам бўлган.⁶⁸

Қалинни бекор қилувчи одатлардан яна бири «*суяк алмашиш*» («*суяк олмаш*»)дир, яъни *қиз алмашиши*. Буни «*қарши қуда*», «*қайчи қуда*» деб ҳам аташади. Бу никоҳ тури жуда қадимий бўлиб, бир томондан гуруҳли никоҳ билан боғланган, иккинчи томондан эса куёв томон шу йўл билан қалин тўлашдан қутулган.

Н.П. Лобачёва 1958 йилда Хоразмда қилган тадқиқотида кўра, 32 ёшида уйланган ахборотчи ўзига хотин олган уйга, сингисини эрга берган. Тўй бир кунда бўлган. Бунда ҳар бир оила тўй харажатини ўзи кўтарган. Қалинсиз, соддагина, ҳеч қандай жанжалсиз, бир тўхтамга келган ҳолда, кам харажатли тўй ўтказишган.⁶⁹

Қашқадарё воҳасида (воҳанинг баъзи қишлоқларида «*қайчи қуда*» деб ҳам юритилади) бу одат воҳада истиқомат қилувчи ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва арабларда ҳозирги кунгача сақланиб қолган.⁷⁰ Қарши қудачилик таомилида иқтисодий тежамкорлик устуворлик қилган ва шунингдек, бу удум орқали қариндошчилик ришталари янада мустаҳкамланган. Никоҳнинг

⁶⁷ Косвен М.О. Ибтидий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 135–136-б.

⁶⁸ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 37-б.

⁶⁹ Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 58.

⁷⁰ Дала маълумотлари: Қашқадарё в. (Китоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.

бундай шакли аҳолининг камбағал қатлами орасида нисбатан кўпроқ учрайди.⁷¹

Бу одат ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам учраб туради,⁷² аммо қалин туфайли эмас. Балки икки қудда шу йўл билан қизларини бахтли қиламиз деб ўйлайди, яъни қизини берган ота-она тушган жойида уни хафа қилишмайди деб ўйлайди, чунки уларнинг қизи ҳам буларга келин бўлиб тушган. Аммо бу одат ҳар доим ҳам яхши натижа беравермайди. Сабаби, оилада ҳар хил майда-чуйда гаплар бўлиши мумкин, бундай ҳолларда эса бир оиланинг жанжали иккинчи бир оиллага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Айнан шу сабабли бундай никоҳлар охириги пайтда халқ орасида маъқулланмаяпти.

Ундан ташқари «бел қудда» (Қашқадарёда «ич қудда») одатида ҳам қалин тўланмаган. Бунда ҳали туғилмаган болалар унаштирилган бўлиб, тўйнинг қалиндан бошқа расм-русумларига амал қилинган.⁷³ Бел қудда бўлишда икки қадрдон дўст ҳомиладор хотинлари қиз ва ўғил туғишса, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун келгусида қудда бўлишни ният қилади. Ҳомиладор аёллар қиз ва ўғил туғишса, севинч билан бир-бирларини «қудда» деб атайдилар. Ҳомиладор аёлларнинг иккаласи ҳам ўғил туғишса, улар бир умрлик дўст бўлганлар.⁷⁴ Масалан, давлат тўнтаришига қадар (1917) Зарафшон воҳаси ўзбекларида ҳали туғилмаган болаларни унаштириш қишлоқ оилаларида ҳали амалда бўлган. Бир ахборотчининг айтишича, унинг опасини ҳали туғилмасдан олдин унаштиришган. Туғилгандан сўнг, қиз икки ойлик бўлгач, *фотиҳа* унаштириш маросими бўлиб ўтган.⁷⁵

⁷¹ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 36-б.

⁷² Дала маълумотлари: Андижон в. (Андижон ш., Булоқбоши ва Хўжаобод т.), 2004–2006 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.; Хоразм в. (Урганч ш., Хива ш., Янги арик т., Қўшқўпир т.), 2005 й.

⁷³ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр. 88–89; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., 1995, 86-б.

⁷⁴ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 33-б.

⁷⁵ Моногарова А.Ф. Семья и семейный быт / Этнографические очерки узбекского сельского населения. М., 1969, стр. 226.

«Бешик куда» («бешик кетди», «бешиккертти», «кулок тишлар», «кулок тишлатар», кўнғиротларда – «этак чартиш», Сурхондарё ва Қашқадарё ўзбекларида – «этак йиртиш», Қашқадарё воҳасида «сирға тақди», «этакка солди», «оёқ боғлатди» («кўган солди») деб номланган одатда⁷⁶ қалин ҳажми кам бўлган, ўғил боланинг отаси боласи балоғатга етгунча хўжаликка зарар етказмай қалиндан қутилиб боришни, қизнинг отаси эса қалин ҳисобига берилган чорвадан фойдаланишни назарда тутган.

Бу одат замирида ҳам ўзининг қонуниятлари бор. Масалан, XX асрнинг бошларигача Қашқадарёнинг қуйи қисмида қиз туғилган оилага ўғил боланинг (5 – 6 яшар) онаси шартлашиш учун келган. Ўғилга чақалоқ қизалоқ сўралган. Ота-онаси, қариндош-уруғи рози бўлса, *кулок тишлаш* одати бўлган. Болақай бешикда ётган қизалоқнинг «кулоғини тишлаган», яъни ўғил бола қизалоқнинг кулоғини оҳиста тишлаб қўйган. Бу билан унга эга, ҳомий, ҳамроҳ саналиб қолган. Маросим уларнинг устидан турли ширинликлардан сочқи сочиб нишонланган. Қизалоқ вояга етса шу болага турмушга чиқади, дея кексалар, ўтирган аёллар дуо қилишган. Тадбирга бир домла чақирилиб, қишлоқ оқсоқоллари гувоҳлигида «расмийлаштирилиб» қўйилган. *Бешик кетди* дегани «қизимиз бешикданок совчисиз ўз муносиб харидорини топиб, сотилиб кетди», деган маънони берган.⁷⁷ Қашқадарё воҳасида ушбу одат *бешиккертти* ёки *бешик кетди* номи билан машҳур бўлиб, мазмунан Юқори Зарафшон водийсидаги *бешиккертти* одатига яқиндир. Қашқадарё ўзбекларидаги *бешик кетди* удуми бўйича қиз томон розилик бергач, бўғирсоқ пиширилиб тарқатилган. Чунки бўғирсоқ қадимдан ўзбеклар орасида серпуштлик рамзли белгиси ҳисобланган. Воҳада айнан шу маросимдан сўнг бўлғуси келин-куёвнинг яқин қариндошларига, қўшниларига, маҳалла ва қишлоқ аҳлига қизнинг «боши боғланганлиги» маълум қилинган.⁷⁸

⁷⁶ Қаранг: Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр. 89; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., 1995, 86–87-б.; Мардонова Г. Нур тўла уй. Т., 1992, 11-б.; Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 1993, 22-б.

⁷⁷ Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 1993, 22-б.

⁷⁸ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 31-б.

Этак йиртиш одатига кўра, икки оила аъзолари узаро келишгач, 1 – 3 ёшли қизалоқ ва ўғил боланинг этакларини бирлаштириб, учидан йиртиб қўйилганки, бу ҳам уларнинг бир-бирига аташтирилганини билдирган. Қўнғирот ўзбекларида бу удум «этакчартиш» деб аталган. Ушбу маросимда ҳам бўғирсоқ пиширилиб, элга маълум қилинган. Қизалоқнинг бошига рўмолча, ўғил боланинг бошига эса дўппи кийдириб қўйилган.

«Оёқ боғлаш» одати бешикдаги қиз чақалоқнинг ўғил болага аталганини билдиради. Икки томон аёллари бўғирсоқ пишириб, қизалоқнинг аташтирилганлигини маҳалла аҳлига маълум қилганлар. Бу қизалоқнинг ўғил бола хонадонига бир умр боғлиқлигини билдиради, шу билан биргаликда қизалоқни ёмон кўзлардан сақлайди. «Кўган ип» чақалоқнинг чилласи (қирқи) чиққанидан сўнг олинган ва қулоғига сирға сифатида тақиб қўйилган.

«Этакка солди» удуми туғилган қизалоқнинг доя аёл томонидан бирор гўдак ўғилнинг номини айтиб, вояга етса шу йигитга турмушга чиқади, деб этагига солинишини билдиради.⁷⁹

Юқоридаги маросимлар, хусусан *бел қуда* одати ҳам Қашқадарё воҳасида кўпни кўрган бир никоҳли аёл томонидан қўшиқлар, дуолар айтилган ҳолда амалга оширилган. Ўғил ва қизлар ёшлигидан бир-бирига рамзий унаштирилиши ёки *бахшанна* қилиб қўйилиши орқали бўлажак қудалар болалар вояга етгунларича бир-бирларини синаганлар. Сайил, байрамлар ва тантаналарда қизга ўғил боланинг хонадони ўғли номидан совғалар «хайитлик» (рўмол, кўйлак, газмол, ширинлик кабилар) жўнатиб турган ҳамда қудачилик рамзи сифатида оғирини енгил қилишда узаро кўмаклашганлар. Никоҳ тўйида эса қалин пули миқдори камайтирилган ва тўй харажатлари анча кам сарфланган. Г.С. Тошеванинг маълумотларига кўра, воҳада бундай одатлар туфайли турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечираётган оилалар кўплай учрайди ва ҳозирда ҳам бу удум қисман бўлса-да, воҳанинг чўл ва тоғ олди қишлоқларида сақланиб қолмоқда.⁸⁰

Жиззахда ўғил чақалоқнинг уйидагилар совға-саломбилан қиз чақалоқникига борганларида, келтирилган ширинликлар бешик

⁷⁹ Уша жойда, 32-б.

⁸⁰ Уша жойда, 33-б.

устидан сочилишига рухсат этилса, бу қиз томоннинг розилигини англатган.⁸¹

Зарафшон воҳасининг Булунғур туманида *бешик кетдининг* ўзгача тури бўлган. Қиз чақалоқ туғилган хонадонда қизнинг чилласи чиқиб, бешикка белаш маросими, яъни бешик тўйида қариндошлардан (қариндошлик иплари узилмасин деган ниятда) ё ўртоқларидан бири ният қилиб етаклаб борган 3 – 4 яшар ўғилчасига чақалоқ қизни «сўратади». Оиланинг қариялари ва ота-онаси розилик беришсагина, ўғил болага қизнинг кулоғини «тишлатганлар».⁸²

Зарафшон воҳаси қишлоқларида бешиклигидаёқ унаштирилган болаларга 8 – 9 ёшларигача бирга ўйнашга рухсат берилган, уларнинг ўзларига келин-куёвликлари ҳақида гапирилмаган. Фотиҳа тўйдан кейин улар бир-бирларидан ва ўз навбатида, бир-бирларининг қариндошларидан қочишни бошлаганлар. Агар кичик ўғли бўлган ота ўзининг дўстлари ёки танишларидан бирининг қизини ўғлига олиб бермоқчи бўлса-ю, аммо қиз ота-онасининг қандай жавоб беришини аниқ билмаса, у ҳолда ота ширинликларни олиб қиз уйига келиб, эшик олдини чопони билан супурган ва ширинликларни сочган. Қизнинг ота-онаси ердаги ширинликларни кўриб, уларнинг қизларига кимдир совчи бўлаётганини пайқаганлар. Кейинчалик совчи бўлаётган томон уларга бу ишни айнан улар қилганлигини билдирган. Бундай ҳолатда қизнинг ота-онаси рози бўлишга ҳамда агар уларнинг қизлари тирик бўлса, албатта уларнинг ўғилларига турмушга беришларини ваъда беришга мажбур бўлардилар. Кўп ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган ўғил болаларга ота-оналар келинни айнан шундай йўл билан топишган.⁸³ Ўз навбатида, бундай ҳолат, шунингдек яна бошқа сабабларга кўра (улар куйида гапирилади), бу одатнинг XX асрнинг иккинчи ярмидан йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Туғилмасдан ёки бешиклигидаёқ унаштирилганлар бўлган бўлса ҳам, бу даврга келиб уларнинг ўзаро никоҳ қуришлари фақат ўзларига боғлиқ бўлиб қолган эди.

⁸¹ Мўминова З. Жиззах бағридан келур наволар... // Саодат. 1990, № 9. Илова.

⁸² Соатова С.А. Юкори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 39–40-б.

⁸³ Моногарова А.Ф. Семья и семейный быт / Этнографические очерки узбекского сельского населения. М., 1969, стр. 226-227.

Бу одатнинг яхши томони – ота-она ўзи кўнгли тортган хонадон билан қуда-анда бўлади, яъни бунда чақалокнинг «хусли» ё «яхши тарбия кўрган»лигига қараб эмас, балки ота-онасига (одам шаванда, тагли-тугли, моддий томони ва ҳ.) қараб қудачиликка интилганлар. Қадим замонларда бундай «қудачилик» маросими қабилалар ўртасидаги уруш-жанжалларга чек қўйган.⁸⁴ Тўйга қадар ўртада яхши кўшничилик, «ол товоғим, бер товоғим» бўлиб турган. Улғаётган қиз ўз умри давомида йигитга, йигит эса қизга ғойибона меҳр, интиқлик, ҳурмат билан вояга етишган. Икки томондаги ота-она ҳам шунга муносиб ҳаракат, янги тузилажак оила тадоригини анча узоқдан кўриб боришган. Кўп йиллар давомида бир-бирларини синаб, кам-кўстларини тўлдириб боришган. Маънан, жисман ва руҳан бир-бирларига тайёрланиб «бир олманинг икки палласи» бўлиб, комил топишган. Бундай синамол, узоқ жараёни покдомонлик билан босиб ўтган йигит-қиздан яхши оила вужудга келган.

Бу одатнинг ёмон томони эса бундай синовдан барча йигит-қизлар ҳам ўта олмаган. Албатта, қадимда патриархал муносабатлар ҳукмрон бўлган даврда, бу одатга кўпроқ амал қилинган, чунки фарзанд ўз ота-онасининг раъйини қайтара олмаган. Ҳаммасини ота-оналар ҳал қилганлар. Аммо Совет даврига келиб, бу одат ҳам қораланади. «Сени партия, комсомол, давлат ҳимоя қилади, ота-онанг, қариндошларинг фикри билан ҳисоблашма, улар тўйингга розилик бермаса, комсомол тўйлари қиламиз», деб бадий асарлар яратилди, оммавий ахборот, кино, театрларда ҳам ташвиқот ишлари олиб борилди.⁸⁵ Бу эса ёшларнинг ўз ота-онасига қарши чиқишига олиб келди. Бу одатнинг ижобий томонидан ташқари, салбий томонини ҳам инобатга олиш керак, яъни танланган йигит-қиз ҳар доим ҳам бир-бирига муносиб бўлавермаган, натижада, оила бахтсиз бўлиб қолиши эҳтимоли ҳам катта эди. Вояга етган йигит-қиз бир-бирига ёқмаслиги мумкин, ундан ташқари ота-оналар ҳам ўз

⁸⁴ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 1993, 22-б.

⁸⁵ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2002–2006 й.; Тошкент в. (Бўстонлик т.), 2004 й.; Самарқанд ш., 2001–2002 й.; Андижон в. (Андижон ш., Булоқбоши ва Хўжабод т.), 2004–2006 й.; Фарғона в. Қўқон ш., 2004 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.; Қашқадарё в. (Қитоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.; Сирдарё в. (Сардоба т.), 2005 й.; Хоразм в. (Урганч ш., Хива ш., Янги арик т., Кўшкўпир т.), 2005 й.

фарзандларига бошқа яхшироқ, муносиброқ куёв ёки келин ҳоҳлашлари мумкин эди.

Айнан шу сабабдан ҳам, бу одатлар аста-секинлик билан барҳам топмоқда. Фақат баъзи вилоятларнинг қишлоқларида буларни кўриш мумкин. Қишлоқ ва шаҳар муҳитини солиштириб бўлмайди. Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди, бу одатнинг амал қилинишига озми-кўпми шароит бор. Шаҳарларда,⁸⁶ шу жумладан, пойтахт – Тошкентда бу одат XX асрнинг иккинчи ярмида анча камайган. Тошкент шаҳрида бу одат 1999 – 2000 йилларда баъзи оилаларда учратилди, холос. Бу ҳам оилаларнинг яқинлиги ёки қариндошлиги боисдир.⁸⁷ Ҳозирги пайтда янги урф-одатлар шаклланаётган бир шароитда *Бел қуда* ва *бешиқ қуданинг* тикланиши амри маҳол. Фақат айрим оилалардагина бундай удум учраб қолмаса, моҳиятан олганда, бу одат йўқолиб кетди.

Қалин тўламасликнинг яна бир йўли мавжуд эди. XIX асрнинг охирларида Фарғона водийсида агарда куёв *қиз томоннинг тўйга кетадиган харажатларини ўз бўйнига олса*, у ҳолда қалин тўланмаган.⁸⁸ Бундай йўл қалиннинг қиймати тўйнинг ўзига кетадиган харажатларидан баланд бўлган ҳоллардагина куёвга қулай бўлиши мумкин бўлган. Чунки у пайтда қалиннинг миқдори тўйга кетадиган сепга, харажатларга ё тенг келган ё яқин келган. Шунинг учун бундай одат кенг тарқалмаган.

Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, юқоридаги қалинни бекор қилувчи одатлар, асосан, моддий қийнчиликда бўлган оилаларга анча енгилликлар яратган. Албатта, баъзи одатлар (масалан, *бел қуда*, *бешиқ кетди*) фақат оилаларнинг моддий қийнчиликда бўлганлиги туфайли бажарилмаган. Лекин кўп ҳолларда юқоридаги одатларга ўғлини уйлантиришга қийналган оилалар амал қилган. Қалиннинг нархи ҳозирга келиб анча тушиб кетган бўлса ҳам, бугунги кунгача сақланиб қолган бу

⁸⁶ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2002–2006 й.; Тошкент в. (Бўстонлик т.), 2004 й.; Самарқанд ш., 2001–2002 й.; Андижон в. (Андижон ш., Булоқбоши ва Хўжабод т.), 2004–2006 й.; Фарғона в. Қўқон ш., 2004 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.; Қашқадарё в. (Житоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.; Сирдарё в. (Сардоба т.), 2005 й.; Хоразм в. (Урганч ш., Жива ш., Янги ариқ т., Қўшқўпир т.), 2005 й.

⁸⁷ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2001 й.

⁸⁸ Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 207.

одатларга' одамлар энди қалиндан кутилиш туфайли амал қилмаяпти. Масалан, водий аҳолисининг асосий қисми қалин бериш одатига моҳиятан амал қилмаса-да, қалинни бекор қилувчи одатларнинг баъзилари эса ҳалигача сақланиб қолган (масалан, *ичкуёв, қарши қуда, қулоқ тишлаш*).

ҚАЛИННИНГ БЕРИЛИШИ

Кўп сонли тарихчилар, сайёҳларнинг гувоҳлик беришича, қалиннинг ижроси, тўланадиган маблағ сони ва сифати вилоятлар, туманлар аҳолиси ижтимоий ишлаб чиқаришига ҳам боғлиқ бўлган экан. Ҳозирда ҳам қалин худди шундай хусусиятларга эга. Қалиннинг берилиши ҳамма жойда ҳам бир хилда эмас. Биргина Тошкент шахрининг ўзида қалинни бир неча маросимда бериш мумкин (1, 2, 3-диаграммалар).⁸⁹

Ибтидоий жамоадан то ҳозирги давргача баъзи вилоятларда (асосан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида) амал қилиниб келинаётган одатлардан яна бири, бу *қалиннинг маълум миқдорини тўлаб, қолганини кейин тўлашдир*. Фақат, бу одат бизгача ўзининг анча ўзгарган шаклида етиб келган. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврида қалиннинг маълум миқдори тўлангандан кейин (кўпинча ярми), куёв ўз хотини билан жинсий алоқага киришиш ҳуқуқига эга бўлган, фақат қалиннинг қолган қисмини тўлагандан сўнг хотинини ўз уйига кўчириб олиб кетган. Ҳозирда бу одатга диний тус берилиб, қалиннинг маълум миқдорини ($\frac{1}{3}$ қисми) *фотиҳа тўйидан*⁹⁰ олдин, қолганини *фотиҳада беришади*. Аммо куёв энди келин билан жинсий алоқада бўлиши мумкин дегани эмас. Исломи дини бундан этади.

Бироқ юқорида келтирганимиздек, ислом дини ибтидоий даврдан XIX аср охири XX аср бошларигача сақланиб келаётган удумларнинг ҳаммасига ҳам ўз таъсирини ўтказмаган. Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида бундай удумлар сақланиб, улар қаторида, жумладан, матрилокал никоҳ қолдиқларидан Қашқадарёда «қаллиқ ўйини», Сурхондарёда «қанник ўйини»ни кўрсатиш мумкин. Унда *фотиҳа тўйи* ўтгач, йигит қизни кеча қоронғусида келиб юрган. Йигит ва қизнинг яширинча тунлари

⁸⁹ Этносоциологик тадқиқот: Тошкент ш., 2007 й. Сўровнома 100 кишидан олинган, шуларнинг 58 % аёллар, 42 % эркаклардир. Ахборотчиларнинг ёши: аёллар – 19 – 68 гача; эркаклар – 20 – 59 гача. Ахборотчиларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи (саноат) 11 %; хизматчи 65 %; нафақадор 3 %; бошқа (талаба, уй бекаси, хунарманд, тадбиркор, савдогар) 21 %.

⁹⁰ *Фотиҳа тўйи* – қиз билан йигитни унаштирилганлиги муносабати билан ўтказиладиган кичик тўй, унаштиришдир.

Тошкент шаҳрида сут пули (қалин)нинг берилиши

1-диаграмма
(Умумий)



2-диаграмма
(Аёллар)



3-диаграмма
(Эркаклар)



учрашиб туришига опалари ёки янгалари кўмак берган. Фотиҳадан тўйгача бўлган ораликда қудалар бир-бирларини совға-салом билан йўқлаб туришган. Никоҳ тўйи эса фотиҳадан 2 – 3 ой ўтгач қилинган. Агар куёв тўйга тайёр бўлмаса, бунда ҳам совчилар ўртага тушиб, тўйни кечиктириш ҳақида келишганлар. Тўй баъзан 2 – 3 йилга ва ундан ҳам ортиқ муддатга чўзилиб кетарди. Бунинг оқибатида мабодо қиз бола ҳомиладор бўлиб, бундан беҳабар йигит сафарда бўлса, ўша йигитнинг пичоғини ўртага қўйиб никоҳ ўқилган ва туғилажак бола ҳароми деган таънадан асраб қолинган.⁹¹ Ҳозирда бу одат умуман олганда йўқолиб кетган бўлса-да, аммо ҳали ҳам бир-бир чекка қишлоқларда учраб туради.⁹² Шунини айтиб ўтиш жоизки, 3 – 4 йил аввал муаллиф ҳам ҳатто Тошкент шаҳрида сурхандарёликлар томонидан ушбу одатнинг бажарилишига гувоҳ бўлган.

Зарафшон воҳасининг Иштихон, Пайарик туманларидаги қарияларнинг ҳикоя қилишича, қалин тўйнинг асосий шarti бўлиб, қалин бутунлай тўланмагунича тўй бўлмаган. Қалин топширилаётганда эса иштирок этган куёвнинг яқин қариндошларига келин томонидан чопон кийдирилган.⁹³

XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийси ўзбекларида келин-куёвнинг ёшига қараб, куёвнинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, қалин ё дарров тўланган, ё бўлиб берилиб, маълум бир вақтга чўзилган. Охиргисида куёв томон қалинни ҳар йили Рамазон байрами олдидан бериши шарт бўлган. Шу билан биргаликда қалинга қўшиб ҳар хил совғалар (оёқ кийим, кийим-кечак ва х.) ҳам берилган.⁹⁴

Эр-хотин Наливкинларнинг маълумотларига кўра, қалинни бўлиб тўлашда, айниқса, камбағал оилаларда келин балоғат ёшидан ўтиб кетишига қарамай, никоҳ бир неча йилларга чўзилиб кетган. Қалин туфайли камбағал оилаларда кўпинча катта жанжалгача ҳам борилган. Сабаби, қалиннинг аниқ миқдорини қиз томон кўпроқ ундириш мақсадида, йигит томон камроқ тўлаш мақсадида атайлаб

⁹¹ Мардонова Г. Нур тўла уй. Т., 1992, 19-б.

⁹² Дала маълумотлари: Қашқадарё в. (Китоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.

⁹³ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 37–38-б.

⁹⁴ Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 202.

белгиламаган. Натижада шундай жанжал кутарилар эдики, бу жанжални босиш учун бутун кишлок қариялари йиғилган. Ундан ташқари, ҳар йили қалиннинг маълум бир қисмини куёв тўлаб келганда, қиз томон уни бўлиб олгани учун кундалик ҳаётига ишлатган ва келажакда бўладиган тўйни ўйламаган. Тўй бўлганда эса ўзбек мақолига кўра қизлик уйда «ҳатто супурги ҳам қолмаган».⁹⁵ Эр-хотин Наливкинларнинг таъкидлашича, бундай ҳолатларда ота-она қиз сепига керакли бўлган кўрпа, ястик, кийим-кечак ўрнига, керакмас бўлган нарсаларни («всякую дрянью») берган. Куёвнинг уйига келган келин эса бу ерда қалин тўлаш натижасида пайдо бўлган қашшоқликка дуч келган. Эр-хотин Наливкинлар яна шуни қўшимча қиладиларки, қалин бериш одати бу ерларда шунчалик ўрнашиб олган эдики, уни тўламаслик уят ҳисобланган. Ҳатто қалин миқдори баланд бўлган қизлар бу билан мақтанганлар ҳам.⁹⁶ Қалин бериш қизнинг ота-онаси учун ҳатто иззат-икром деб ҳам ҳисобланган. Қалиннинг нархи қанчалик даражада баланд бўлса, бу шунчалик даражада қиз ота-онасининг ҳурмати баланд эканлигини кўрсатган.⁹⁷

Шуни айтиш керакки, бундай ҳолатни бугунги кунда Тошкент шаҳрида ҳам кўриш мумкин. Этнографик тадқиқот ўтказилаётганда баъзи бир ахборотчилар уларга қалин пули кам берилганидан ҳатто хафа бўлганларини билдирганлар. Ва аксинча, катта пул бериб олинганлар эса мақтаниб гапирганлар.⁹⁸

Юқорида кўрсатилган удумлар халқнинг камбағаллигидан, яъни қалинни тўлашга қурби етмаганлигидан вужудга келган.

Бугунги кунда қалин бир маросимда берилади, дейиш қийин. Қалин одатда фотиҳа тўйида берилади. Масалан, Қашқадарёда қалиннинг $\frac{1}{3}$ қисми фотиҳа тўйидан олдин, қолгани фотиҳада ёки ундан кейин берилади.⁹⁹ Тошкент шаҳрида қалин фотиҳа тўйида берилади. Агар никоҳдан олдин оила фотиҳа тўйи маросимини қилмасликни келишса, у ҳолда қалин *оқлиқ (оқ ўра)*¹⁰⁰

⁹⁵ Ўша жойда, стр. 209.

⁹⁶ Ўша жойда, стр. 209.

⁹⁷ Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии). Бишкек, 1998, стр. 27.

⁹⁸ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2007 й.

⁹⁹ Дала маълумотлари: Қашқадарё в. (Китоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.;

¹⁰⁰ *Оқлиқ* — тўйга розилик белгиси сифатида совчиларга совға қилинадиган оқ ёки оч, очик рангли газлама, румол, кийим-кечак.

маросимидан сўнг берилиши мумкин. Агар оқ ўрарга эркаклар келса, у ҳолда қалин оқлиқда берилади.¹⁰¹

2007 йил Тошкент шаҳрида ўтказган этносоциологик тадқиқотимиз ҳам, қалинни асосан фотиҳа тўйида берилишини кўрсатди. Бугунги кунга келиб Тошкентда фотиҳа тўйини қилаётганлар сони борган сари камая бораётганлиги туфайли (2003 йил дала маълумотларимизга кўра, 60 % аҳоли фотиҳа тўйини қилмаган. 2007 йилга келиб, бу кўрсаткич янада ошди) қалин ё оқ ўрар маросимида (Тошкентда одатда оқ ўрар маросимида *патир ушатиш (патир синдирди, нон синдириш)*¹⁰² маросими ҳам бўлади) ё ундан кейин ёки учта маросим (*оқлиқ, патир ушатиш, фотиҳа тўйи*) битта қилиб ўтказилганда берилади. Аммо шуни айтиш керакки, 1980 – 70-йилларда тўйлари бўлган респондентларда фотиҳа тўйи бўлган бўлса ҳам, қалин уларда оқ ўрарда (Тошкентда оқлиқни кўпроқ оқ ўрар деб аташади), алоҳида ҳолларда *патир синдирдида* берилган (1, 2, 3-диаграммалар).

Шуни таъкидлаш керакки, қалин қайси маросимда берилмасин, у албатта, эркаклар томонидан берилади.

Демак, ўтмишда тўйларда келин олишнинг дастлабки шартларидан бири сифатида қалин тўлаш юқори ўрин тутса-да, унинг ижроси ҳамма жойда бир хилда бўлмаган.¹⁰³

¹⁰¹ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2001–2007 й.

¹⁰² *Патир ушатиш* – унашиш, унаштириш маросими.

¹⁰³ Қаранг: Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Т., 1995, 89-б.; Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. Т., 1992, 105-б.; Мусакулов А. Қалин // Мулоқот. 1992, №11–12, 52–53-б.; Народы Средней Азии и Казахстана. М., 1962, стр. 325; Лобачёва Н.П. Брак / Семейный быт народов СССР (отв. ред. Т.А. Жданко). М., 1990; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Т., 1964, стр. 142–144; Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 52–66; Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975, стр. 26; Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994, 216-б ва б.

ҚАЛИННИНГ ҲАЖМИ

Қалиннинг ҳажми қизга қандай эркак уйланаётганлигига боғлиқ. Авваллари, агар қизга бева ёки ажрашган киши уйланаётган бўлса, у ҳолда қалин катта ҳажмда олинган. Иккинчи хотин олса, қалин икки баробар тўланган. Қалин ҳажмини аниқлашда куёв оиласининг моддий ҳолати ва қариндошлик алоқалари ҳам эътиборга олинган. Агар куёв яқин қариндош ёки яқин атрофда турса, қалин ҳажми қизнинг ота-онаси тўйга қиладиган харажатлари доирасида бўлган. Агар куёв бегона ва узоқ жойдан бўлса, қалин кўпроқ бўлган. Бундай ҳолларда куёв томон тортишиб, қалин ҳажмини камайтиришга ҳаракат қилган. Агар бир оиладан иккита келин олинса, қалинни икки баробар тўлашган. Бева ва ажрашган аёлга уйланиш осон бўлган. Бундай аёлларни Хоразмда «айптар», Гурланда «ёғоси кир», яъни айби бор, деб аташган.¹⁰⁴

Ўтмишда қалин шунчалик даражада никоҳланиш шартида муҳим эдики, эркаклар унинг миқдори кам бўлган аёлларга уйланишдан манфаатдор бўлганлар. Фарғона водийсида оғир шароитли эркаклар қизларга уйланишдан кўра, жувон-хотинларга уйланишни афзал кўрганлар. Сабаби, қалин фақат қизларга берилган. Хотинларга қалин қуйидаги ҳолатларда тўланган:

1) агар аёл ҳали эридан ажрашмаган бўлса, у ҳолда эри уйланган пайтида қалинни неча пул тўлаган бўлса, шунча эрига тўлаш керак бўлган. Фақат шундагина аёл ўз эридан ажрашиши мумкин бўлган;

2) агар аёл эридан ажрашаётганида унинг ўрнига қалинни тўлаб юборган қариндошларига қарздор бўлса, ушбу қарзни қариндошларига тўлаш керак бўлган.¹⁰⁵

Қалин ҳажмини ота белгилаган. Ўтмишда қалин пул ёки мол, шунингдек, ҳам пул, ҳам мол (чорва), ҳам нарса (кийиим-кечак, тўй маҳсулоти ва ҳ.) сифатида олинган. Умуман олганда, қалин

¹⁰⁴ Қаранг: Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 59.

¹⁰⁵ Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 209.

дастлаб турли хил буюмлар беришдан, кейинчалик, айрим ҳолларда, пул тўлашдан иборат бўлган.¹⁰⁶ Кейинчалик қалинни нарса билан бериш қолиб кетиб, куёв томон энди нарсаларни қиз томонга сеп сифатида берадиган бўлди. Шу билан биргаликда тўй маҳсулотларини бериш ҳам алоҳида маросимга айланди (*тўй юборар, тўй келар*).¹⁰⁷ Қалинни чорва билан бериш асосан ярим кўчманчи ва кўчманчи халқларда қолиб, ўтроқ, айниқса, шаҳарларда турадиган аҳолида қалин фақат пул билан бериладиган бўлди. Ҳозирда қалин деганда асосан пул тушунилади.

Ироқда қизга бериладиган пулнинг қиймати 200 ироқ динори бўлган. Бироқ шайхларнинг қизларига бериладиган пулнинг қиймати турлича бўлган, бу қондага амал қилинмасдан 1000 ироқ диноридан ортиқ пул берилган ҳолатлар ҳам учраган.¹⁰⁸

XIX асрнинг охирида П. Маев¹⁰⁹ Тошкент шаҳри ўзбекларида қалинга пулдан ташқари (унинг қиймати ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди) келинга кийим бош ва тўйга керакли маҳсулот ҳам киради, деб ёзади. XX асрнинг бошларида М. Гавриловнинг маълумотича, қалинга ўнлаб чопон ва рўмоллар, 3 та чит, 4 та от ва 25 та қўй билан 500 руб. «сут пули», шунингдек, тўй учун маҳсулот кирган. С.Н. Абашин ҳам қалиннинг таркибига тўй маҳсулотлари, келин ва куёвнинг ҳамда унинг қариндошларига асосий сепига кетадиган кийим-кечаклар ва пахта киради, деб ёзади. Шу билан биргаликда, тор маънода қалин деганда, ўзбек ва тожикларда пулни тушунишади. У 1980 йилларда тахминан 500 – 1500 рублгача борган. Бу пулларга келин томон куёвга тўй кийимини олиб бериши керак, деб қўшимча қилади С.Н.Абашин.¹¹⁰

¹⁰⁶ Косвен: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 214-б.; Мусақулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, № 11–12, 52-б.

¹⁰⁷ *Тўй юборар* (тўй юбориш ва тўй бериш) – 1) қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ куёв томондан қиз томонга белгиланган сарпо-сурук, ош (қиз томон тўй куни кўпинча наҳорда, бўлмаса кундузи кизига атаб халққа ош (палов) беради) масаллик ва бошқа ш.к. юбормоқ; 2) Шу нарсалар юборилиши муносабати билан куёв хонадониди, келиши муносабати билан қиз хонадониди ўтказаладиган маросим.

¹⁰⁸ Dickson H.R.P. The Arab of the desert. London, 1951, p. 147.

¹⁰⁹ Қаранг: Маев П. Азиатский Ташкент / Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. IV. СПб., 1876, стр. 260-313.

¹¹⁰ Абашин С.Н. Калым и махр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). М., 1999, стр. 156–157.

Умуман олганда, кўпчилик рус олимлари қалинни тўйнинг бошқа марбосимларига кетадиган нарсалар ё харажатлар билан адаштиришади. Қозоқларга нисбатан ўзбекларда қалин шаклан кам ифодаланганлиги боис, қалинни сеп ва қолган тўй харажатлари билан аниқ бир чегарасини аниқлаш қийин. Натижада қалиннинг миқдори икки ё уч баробар ошиб кетади. Масалан, кийим-кечаклар келиннинг сепида, тўй маҳсулотлари аслида *тўй юборар* (*тўй келар*) маросимида берилади ва қалинга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Юқорида айтилган П. Маев ва М. Гавриловларнинг маълумотлари, архив ҳужжатларига кўра,¹¹¹ кўпроқ қирғиз, қозоқларга тегишлидир. Чунки худди шу архив ҳужжатлари Тошкент ўзбекларида қалин пул билан берилганлиги ҳақида маълумот беради. Умуман олганда, юқорида айтганимиздек, қалин ҳам пул, ҳам мол, ҳам нарса сифатида кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда берилади. Ўтроқ халқнинг чорваси бўлмаганлиги сабаб унинг бунга имконияти йўқ.


Тошкентда қалин пул тариқасида берилади. Тошкент шаҳрида ўтказган этносоциологик тадқиқотимиз ҳам,¹¹² қалин ўзбекларда асосан пулда берилишини кўрсатди. Аммо респондентлар пулдан ташқари кўй, мол, маҳсулот берамиз, деган жавобларни ҳам белгилаганлар (4, 5, 6-диаграммалар). Бунинг сабаби респондентларнинг 11 % нинг ота-онаси тошкентлик бўлмай, ўзи шу ерда туғилгандир. 17 % эса ўзи ҳам, ота-онаси ҳам бошқа вилоятлардан келганларни ташкил қилади. Пулдан ташқари кўй, мол, маҳсулот каби жавобларни бошқа вилоятлардан Тошкентга келиб яшаётганлар белгилаган. Шу билан биргаликда уларнинг бир қисми қалинни пул тариқасида берганлар ё олганлар.

Тошкентликларнинг ўзи қалинни *сут ҳақи*, *сут пули* деб аташади. Бунинг ўз сабаби бор. Совет ҳукумати даврида қалиннинг ман қилиниши туфайли халқ унга яширинча амал қилган ва шу сабаб унинг номини бузиб, яъни «қизга тўлов эмас, балки она сути

¹¹¹ Қаранг: ЎЗР МДА, Ф. И-17, Р. 1, Й. 3763; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3112; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3217; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3519; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3215; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3242; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3448; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3611; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3612; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3558.

¹¹² Этносоциологик тадқиқот: Тошкент ш., 2007 й.


Тошкент шаҳрида сут пулининг қандай кўринишда берилиши



4-диаграмма
(Умумий)



5-диаграмма
(Аёллар)



6-диаграмма
(Эркеклар)

ҳақидир», деб айта бошлаган.¹¹³ Буни бошқа вилоятларда ҳам кузатиш мумкин. Аммо бу, Н.П. Лобачёва айтгандек,¹¹⁴ барча Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ўзбекларга тегишли эмас. Шу билан биргаликда, бу – сут пули Совет даврида пайдо бўлган, дегани ҳам эмас. Бу борада ҳар хил қарашлар мавжуд. Айримлар қалин билан сут пули бир нарса,¹¹⁵ деб таъкидласа, бошқалар сут пули қалинга киритилмайди, деб таъкидлайди.¹¹⁶ Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, сут пули қалиннинг ичига кирган, яъни қалин олинганда унинг маълум бир қисмини келиннинг онасига *сут ҳақи* сифатида беришган. Маълум бир қисми қариндошларга тарқатилган. Буни биз қозоқ халқида яққол кўришимиз мумкин. Қозоқларда қалин уч қисмдан иборат бўлиб, булар:

- *бас жаки* – асосан энг қиммат пул билан тўланган қисми;
- *сеп учун* – қорамол ва учинчи тўй учун қалин;
- *сут пули* – сут ақы, қаде, келиннинг қариндошлари учун совға-саломларга тўланадиган қисмидан иборат бўлган.¹¹⁷

Шу сабабли, архив ҳужжатларида (қолаверса, манбаларда ҳам) сут пули ҳақида биз биронта маълумот учратмадик. Бироқ сут пули Совет давридан олдин ҳам бўлган, фақат уни қалиннинг ўзи деб тушуниш нотўғри бўлади. Қалин ман қилингандан сўнг эса қалин сут пули деб атала бошланди. Яъни «қалинни бермасак ҳам, сут пулини берайлик», деган маънода. Шу сабабли айрим олимлар сут пулини Совет давридан кейин пайдо бўлган, деб адаштирганлар.

Аслида эса бундай эмас. Умуман олганда, одатда қалин берилганда унинг ичида сут пулиси ҳам бўлади.

7-диаграммага эътибор берсангиз, қалин билан сут пули бир

¹¹³ Қаранг: Махр // Ислом. Справочник / М.А.Усмонов таҳрири остида. Т., 1987, 123-б.; Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 36-б.; Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. Т., 2006, стр. 14.

¹¹⁴ Қаранг: Лобачёва Н.П. Брак / Семейный быт народов СССР (отв. ред. Т.А. Жданко). М., 1990, стр. 458.

¹¹⁵ Қаранг: Қалин // Ислом. Справочник / М.А. Усмонов таҳрири остида. Т., 1987, 191-б.; Арифханова З.Х., Зунунова Г.Ш. Обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. Т., 2006, стр. 14.


¹¹⁶ Қаранг: Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 36-б.

¹¹⁷ Аргынбаев Х.А. Свадьба и свадебные обряды казахов в прошлом и настоящем // СЭ. 1974, № 6, стр. 70.

Тошкент шаҳрида сут пулининг берилиши



7-диаграмма
(Умумий)



8-диаграмма
(Аёллар)



9-диаграмма
(Эркаклар)

нарс, деб фақат 31 % респондентлар жавоб берган. 58 % респондентлар эса ўзларининг ҳар хил жавоблари билан қалин билан сут пули ҳар хил нарсалигини билдирганлар. Шунинг ичига «билмайман», деб жавоб берганлар ҳам киради. Чунки улар 4 – диаграммада қалин берилганлигини маълум қиладилар, аммо сут пули берилган ё берилмаганлигини билмайдилар. Саволга «Сут пули йўқолиб кетган», «Йўқ», «Сут пули берилмаган, қалин берилган», деб тошкентликлар эмас, балки бошқа вилоятлардан келганлар жавоб беришган.

Тошкентда ҳозирда бериладиган сут пулини ўтмишда бериладиган сут пули билан солиштирадиган бўлсак, бугунги кунда сут ҳақининг қиймати тушиб кетган.

Тошкентда бериладиган қалин (сут пули) қуйидагича ўзгарган:¹¹⁸

	Камида	Ўртача	Кўпида
ХІХ асрнинг 80-йиллари ¹¹⁹	200 руб.	300 – 400 руб.	500 – 650 руб.
ХХ асрнинг 70-йиллари	150 – 400 руб.	500 – 600 руб.	800 – 1000 – 1800 руб.
ХХ асрнинг 80-йиллари (+1990)	400 руб.	500 – 600 руб.	1000 – 1500 руб.
2002 – 2003 йил	50 минг сўм ¹²⁰	100 – 150 минг сўм	200 – 300 \$ – 400-800 \$ ¹²¹
2005 йил	100 минг сўм	200 минг сўм	500 минг сўм
2007 йил	200 минг сўм	300 – 400 минг сўм	600 – 1000 \$

¹¹⁸ Дала маълумотлари: Тошкент ш. (унинг барча туманларида сўров ўтказилган), 2003–2005 й..

¹¹⁹ Ўзбекистон Давлат Архив фондларини кўриб чиққан холда қалиннинг ўртача қиймати берилди (Қаранг: Ф. И-36, Р. 1, Й. 2947; Ф. И-36, Р. 1, Й. 1864).

¹²⁰ 1994 йилда Ўзбекистон Республикасида пул реформаси ўтказилиб, миллий валюта қилиб сўм киритилган, шунинг учун қалин қиймати бу ерда катта кўриняпти.

¹²¹ Қалин пули АҚШ долларларида эмас, балки унинг қийматига тўғри келадиган пулда берилган. Аммо АҚШ долларларида берувчи оилалар ҳам бўлган.

XIX асрнинг 80-йилларида ҳамма ҳам қалинни рублда бермаган, унинг қийматига тўғри келадиган тилла тангада ҳам берганлар. Бу даврда 40 – 60 рублга 1 та от берган.¹²² 700 рублга қизнинг бутун сарпосини қилса бўларди.¹²³

XX асрнинг 70-йилларида 1 \$ – ўртача ҳисобда 70 копейкага тенг бўлган. 1500 – 2000 рублга 1 та от, 100 – 200 рублга 1 та қўй берган. 2003 йилда 1 \$ нинг ўртача қиймати 1000 сўмга тенг келган. 1 та қўй 100.000 – 200.000 сўм бўлган. 2004 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1050 сўмга тўғри келган. 2005 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1150 сўмга тўғри келган. Қўй 200.000 – 400.000 сўм атрофида бўлган. 2007 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1300 сўмга тўғри келди.¹²⁴

2002 – 2003 йилларда камдан-кам ҳолларда 400 – 800 \$ берувчи оилалар учраган, одатда, улар аҳолининг ўта бой қатламига мансуб бўлган. 2007 йилга келиб, нарх-навонинг ўтган йилларга нисбатан ўзгаришини инобатга олса, бу ерда қалиннинг нархи баланд кўринса-да, унинг қиймати аввалдагидек қолган.¹²⁵ Шуни айтиш керакки, бугунги кунда куёв томон қалинни берганда тўй маҳсулотларининг пулини ҳам, яъни маҳсулотнинг (ошнинг хоми – қўй, гуруч, сабзи, пиёз ва ҳ.) ўрнига пулни ёки тўй маҳсулотларини эмас, балки фақат қўй ўрнига унинг пулини қалинга қўшиб берадиган оилалар кўпайиб қолди. Бундай ҳолларда, ҳатто оддий оилаларда қалиннинг нархи 800 – 1000 \$ гача чиқиб кетади (жадвалга эътибор беринг). Лекин куёв томон бундай пулларни, «қалин, қўй, тиктириш пули, тўй маҳсулотлари бирга», деб беради. Қиз томон бу пулларни қўйга, матоларни тиктиришга ёки тўй маҳсулотларига сарфласа, у ҳолда қалинга ҳеч қанча пул қолмайди. Бу ерда биз қалиннинг фақат расмиятчилик учун бажарилишини кўрамиз.

Сут пулидан алоҳида тиктириш пули ҳам берилади. Шу билан биргаликда, тиктириш пулини сут ҳақининг ичида, деб ҳам беришади. Этносоциологик тадқиқотимизга кўра, «Бизда тиктириш


¹²² Қаранг: ЎзР МДА, Ф. И-17, Р. 1, Й. 3519; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3611.

¹²³ Қаранг: ЎзР МДА, Ф. И-36, Р. 1, Й. 2947.

¹²⁴ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2003–2007 й.

¹²⁵ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2003–2007 й.

Тошкент шаҳрида тиктириш пулининг берилиши



10-диаграмма
(Умумий)



11-диаграмма
(Аёллар)



12-диаграмма
(Эркаклар)

пули йўқ», деб жавоб берганлар бошқа вилоятликлардир. Тиктириш пули бермаган ё олмаганларнинг 3 % тошкентликлар бўлиб, қолгани ё хотини ё эри бошқа вилоятлик ёки иккаласи ҳам бошқа вилоятликлардир. Олдин тиктириш пули кўпинча алоҳида бериларди (31 %), ҳозирда у, асосан қалиннинг ичида берилмоқда (28 %) (10, 11, 12-диаграммалар).¹²⁶ Аммо тиктириш пули қалинга крмайди.

Тиктириш пулини алоҳида берганда камида 10 – 15 минг сўмдан ажратишади. Бу пул фотиҳа тўйида куёв тарафдан олиб келинган матоларни қизга кўйлак тиктириш учун ишлатилади. Албатта, ҳозир буларнинг ўзи тиктириш учун етарли эмас. 2003 – 2005 йилларда тикувчи ҳар бир кўйлакни энг камида 5000 – 6000 сўмдан тикса ҳам, тиктириш учун пул берганда ҳар бир мато учун 3000 сўмдан ҳисоблаганлар. 2007 йилга келиб тикувчи ҳар бир сарпо кўйлаklarини камида 15000 (фасонига қараб 40 – 50 минггача боради) сўмдан тиккан. Албатта, бу қандай тикувчилигига ҳам боғлиқ, чунки ҳамма бир хил нарҳда тикмайди, кимдир баланд, кимдир пастроқ нарҳга тикади. Тикиш пули матоларнинг сонига ҳам боғлиқ. Агар матоларнинг сони кўп бўлса, 40 – 50 минг сўмли тикиш пулини сут пули ичида беришади. Бунда қалин 200 – 300 минг сўм атрофида берилади.¹²⁷

Қалин ёки сут пули қизнинг отаси билан эмас, балки уларнинг вакили (яқин, таниш одам) билан келишилади. Ота имо-ишора қилиши мумкин, аммо гапга аралашмайди. Аралашганда ўртага совуқчилик тушиб қолиши мумкин.

1868 йилда А. Вамбери Хоразм ўзбеклари ҳақида маълумот берганда, қишлоқ жойларда қалин тўққизлар билан ўлчанганлигига урғу беради. Унга туя, от (йилқи), сигир, кўй кирган, яъни эллиқдан ошиқ чорва.¹²⁸

Шаҳарларда қалин пулда берилган. XIX аср – XX аср бошларигача қалинни пулда – тилла тангада, сўнгра рублда беришган.

¹²⁶ Этносоциологик тадқиқот: Тошкент ш., 2007 й.

¹²⁷ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2003–2005 й.

¹²⁸ Вамбери А. Очерки Средней Азии. М., 1868, стр. 95–101 (Қаранг: Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр. 77).

К.Л. Задыхина хоразм чорвадор ўзбекларида қалин миқдори ўзаро келишилган ҳолда белгиланган бўлишига қарамай, ушбу одат иктисодий битим эди ва кўпчилик ўзбеклар қалин ва тўйга пул тўпловидан ёши улғайиб қолиб уйланган, деб маълумот беради.¹²⁹ 1955 йилда Хивада тадқиқот қилган Г.С. Куртмуллаева,¹³⁰ қалинни қандай оила (бой, ўрта, камбағал) берганлигини кўрсатмаган ҳолда қалин пули 200 – 300 руб. бўлган, деб маълумот беради. Шунингдек, қалинга 200 кг буғдой, 60 кг гуруч, 15 кг ёғ, 10 кг эт (гўшт), сигир (300 руб.), ўтин, 4 – 5 та ипак ва духоба (бахмал) кўйлак, костюм, нимча, 2 та рўмол, махси-кавуш, масса никоҳ (никоҳ оёқ кийими), никоҳ кўйлаклик (тўй кўйлаги учун ипак мато), ипак иштон, 3 та дўппи, 6 та узук, ҳалқа (зирак) кирган, дейди. Дала маълумотларимизга кўра, аслида буларнинг ҳеч қайси қалинга киритилмайди. Г.С. Куртмуллаева билан Н.П. Лобачёва бу ерда Хоразмда *фотиҳа тўйи*да юбориладиган *қўй-гуруч*¹³¹ одатини қалин билан адаштирган кўринадилар.

Ҳозирда Хоразмда қалин деганда, фақат пул тушунилади. Қалинни қизнинг отаси белгилаши ҳам нисбийдир, ота олдин маслаҳатлашади, ҳозирда неча пул берилаётганлигини суриштиради, кейин белгилайди. Баъзида андиша қилиб, куёв тараф неча пул берса, шуни олади. Шуни қайд қилиш лозимки, бугунги кунда Хоразмда қалин билан *сут ҳақи*¹³² алоҳида тушунилади. Қалинга отасига пул берилса, сут ҳақида ҳозирда онасига бир яхши мато берилади. Қалин Хоразм туманларида бир хил қийматга эга бўлиб, 2005 йилда, асосан, 200 – 300 минг сўм оралиғида бўлган.¹³³ Барча ижтимоий табақа қалинни бир хил

¹²⁹ Задыхина К. Л. Узбеки дельты Амударьи / ТХАЭЭ. Т. 1. М., 1952; Ўша муаллиф. Культура и быт узбеков Кыпчакского района Каракалпакской АССР / ТХАЭЭ. Т. II. М., 1958 (Қаранг: Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр. 79)

¹³⁰ Қаранг: Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // Ю. 1999, № 3.

¹³¹ *Қўй-гуруч* – «фотиҳа тўйи»да куёв томондан келин томонга юбориладиган тўй маҳсулотлари (юқорида кўрсатилган). Тошкентда «қўй-гуруч» одатда «тўй юборар» маросимида берилади.

¹³² *Сут ҳақи* – она сутни учун бериладиган ҳақ. Совет ҳукумати томонидан қалиннинг ман этилиши сабабли, қалин одатига унинг номини ўзгартирган ҳолда қалин сут пули деб аталадиган бўлиб, бугунги кунга келиб, Хоразмда қалиндан ташқари алоҳида тушуниладиган бўлди.

¹³³ Дала маълумотлари: Хоразм в. (Хива ва Урганч ш., Янги ариқ ва Қўшқўпир т.), 2005й.

кийматда беришга амал қилади. Айнан Хоразмда совчиликдан бошлаб то тўйдан кейинги маросимларнинг бошидан охиригача куёв ва келин ўртасида турадиган аёллар, яъни *ходимлар* қалин ҳажмининг халқ орасида «ким ўзар»га ошиб кетишига йўл қўймадилар.

А. Мусакулов Сурхон воҳаси кўнғирот уруғларида¹³⁴ яқин-яқинларгача ҳам 40 минг сўм (!? – Р.З.) (1961 йилгача бўлган пул ҳисобида) қалин пули сўралган, деб ёзади.¹³⁵ Сўм миллий валютаси 1994 йилда киритилганлигини инобатга олса, бу ерда сўмнинг ўрнида рубл бўлса, тўғри бўлади. Бу пулдан 10 мингги пайғамбарлар йўлига, яна 10 мингги Биби Фотима йўлига кечилган. Қолган 20 минггига бир тўққиздан қўл рўмол, белбоғ, дўппи ва бошқа буюмлар олинган. Уларнинг барчаси тўй куни элуруғга тарқатилган.

1961 йилда пул реформаси бўлган. 1961 йилдан кейин пул 1/10га ўзгарган, яъни 1000 рубл 100 рублга айланган.

Қашқадарё воҳасида куёв томонидан қалин XX асрнинг 50-йилларигача мол, буюм ва пул шаклида, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса пул шаклида берилган. Куёв томоннинг моддий имкониятлари ва иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб қалин турли даврларда «бор-борича, йўқ ҳолича» тарзида ҳам тўланган. Масалан, Қуйи Қашқадарёда XX асрнинг 30-йилларида 1 улоқ, 10 кг магиз, 1 қоп ун берилган. Воҳанинг чорвадор туманларида қадимдан қалин пули уй ҳайвонлари ҳисобига берилган. Бунда чўпон таёғи сурувга қарилиб отилган. Шунда қанча қўй сурувдан ажралиб чиқса, ана шулар қалинга берилган. Бу қўйлар халқ орасида «борлиқ» деб юритилган. Қудалашаётган томонлар ўртасида қалин миқдорини белгилаш мақсадида ўтказиладиган маросим «қалин кесиш» деб аталади. XX асрнинг 20 – 30-йилларида ўзбек барлосларида қалин ўрнига 20 – 30 бош қўй, эчки берилган. Буни «тўй қўйи» деб ҳам аташган. Қалин эвазига «бир кўган қўй» берилганки, бу «кўган тўлдириш» деб номланган.

¹³⁴ Ўзбек халқи 92 уруғ-қабиллага бўлинган бўлиб, ҳозирги кунда у кишлоқларда, тоғлик ҳудудларда сақланган, уруғ-қабилчилик туб шаҳарларликларда емирилгандир.

¹³⁵ Мусакулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, № 11–12, 53–6.

Одатда бир кўганда 8 – 10 та ҳалқа бўлиб, ҳар бир ҳалқага 1 та кўй боғланиб, жами 8 – 10 кўй қалин эвазига тўланган.¹³⁶

Қашқадарё воҳаси аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи XX асрнинг 70 – 80-йилларида нисбатан юқори даражада бўлганлиги учун қалин пули ва тўй харажатларининг миқдори 6 – 7 минг пулни (ўша давр пул қиймати билан) ташкил этган, кейинчалик 2 – 3 минг пулга тушган.¹³⁷ Воҳа ўзбекларига кўни-кўшни бўлиб яшовчи чандир туркманларида ҳам қалин пули 6 – 7 минг пул (ўша давр пул қиймати билан) бўлган. Қалин миқдори аҳолининг хўжалик-маданий ҳаётига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, XX аср бошларида азалий ўтроқ аҳоли ўртасида қалин миқдори камрок, ярим ўтроқ аҳолида эса кўпрокни ташкил этган.¹³⁸

Ҳозирги пайтда қалин миқдори аҳолининг иқтисодий шароитидан келиб чиқиб оқсоқоллар, *катхудо* (қишлоқ оқсоқоли) ва фаоллар томонидан қатъий белгилаб қўйилмоқда, меъёрни бузганлар эса қаттиқ огоҳлантирилмоқда.¹³⁹ Бугунги кунда ҳам қалиннинг миқдори аҳолининг хўжалик-маданий ҳаётига бевосита боғлиқ бўлиб, қалин миқдори умумий олганда кам бўлса ҳам, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли орасида қалин нисбатан юқори юради. 2004 йил ўтказган тадқиқотимизга кўра,¹⁴⁰ қалин пули Республика миқиёсида бу ерларда жуда кичкина эди. Қалинга энг кўпида 20 – 30 минг сўм, энг камида 10 – 15 минг сўм берилган. Шуни айтиш керакки, энг яқин одамлари қалинга оз пул берадилар – 10 – 15 минг сўм атрофида. Шахсан биз қатнашган тўйда, хонадон эгаси келинга 12 минг сўм қалин пули берган. Аммо дашт жойларда қалин пули нисбатан юқори юради. 2004 йилда у 80 – 100 минг сўм атрофида бўлган (2004 йили 1 \$ нинг ўртача қиймати 1050 сўмга тўғри келган). Бунинг сабаби аҳолининг асосан чорвачилик билан шуғулланишидadir. Ахборотчиларимиздан бири чорвадор аҳоли ҳақида шундай дейди: «Уларнинг уй-жойига қараб бўлмаса ҳам, яшашлари биздан анча яхши. Масалан, улар тўйга ҳеч қандай тайёргарлик кўрмасдан, бир

¹³⁶ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 28-29-б.

¹³⁷ Ўша жойда, 29-б.

¹³⁸ Ўша жойда, 30-б.

¹³⁹ Ўша жойда.

¹⁴⁰ Дала маълумотлари: Қашқадарё в. (Житоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.

кунда 1 – 2 кўйи ёки молини бозорга олиб тушиб сотса, катта пул бўлади. Шунинг учун уларнинг сарпоси ҳам кўп бўлади». Қашқадарёда фақат қалин берилади, алоҳида тиктириш пули бериш ёки сут пули бериш йўқ.¹⁴¹ Аммо шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда воҳанинг баъзи маданийлашган қишлоқлари ва шаҳарларида қалин бериш одати истеъмолдан чиқарилган ёки «сут пули» атамаси билан номигагина берилляпти.¹⁴²

Фарғона водийси қипчоқлари ўртасида қалинни дастлабки даврларда чорва, йилки билан («Қиз қалини – қирқ йилки») ўзбек мақолига эътибор беринг), кейинчалик бир қисмини пул билан тўлаганлар.¹⁴³ XIX асрнинг 80-йилларида қалин пули ҳар хил бўлган, 12 – 15 рублдан (агар қиз етим ё камбағал бўлса) бир неча юз рублгача (агар қиз бой оиладан бўлса) борган. Охиргисида қиз ота-онаси тахминан худди шунчани куёв берганига қўшиб, қизга сеп ва тўй ўтказган. Ўрта ҳол оилаларда қалин миқдори 70 – 80 рублда бўлиб, қалинга қўшимча 5 – 15 пуд тозаланмаган пахта берилган (1 пуд – 16 кг).¹⁴⁴ Шуни айтиш керакки, пахта қиз томоннинг кўрпа-тўшакка пахта солиши учун берилади, аммо бу қалин ичига кирмайди.

Тозаланмаган пахтанинг нархи одатда паст юради. Сабаби, уни ишлатишдан олдин пахтани чигитидан ажратиш лозим.

Эр-хотин Наливкинларнинг маълумотларига кўра, шаҳарларда қалин пул билан, қишлоқларда эса мол (чорва) ва нон билан тўланган.¹⁴⁵ Қарлуқлар қариндошлар ўртасида бўлган никоҳларда келин ота-онасининг тўйга кетадиган харажатлари қалин ҳажмига тўғри келишига ҳаракат қилишган.¹⁴⁶ Бироқ умумий олиб қараганда деҳқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ ўзбекларида қалин секин-асталик билан йўқолиб борган.

¹⁴¹ Дала маълумотлари: Қашқадарё в. (Китоб ва Шаҳрисабз т.), 2004 й.

¹⁴² Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 37-б.

¹⁴³ Мусақулов А. Қалин // Мулоқот. 1993, 53-б.

¹⁴⁴ Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 203.

¹⁴⁵ Ўша жойда, стр. 203.

¹⁴⁶ Қаранг: Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Т., 1964.

Дала маълумотларимизга кўра,¹⁴⁷ ҳозиги кунга келиб Фаргона водийсида қизга қалин бериш одати йўқолиб кетганлиги маълум бўлди. Бу борада биз Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида¹⁴⁸ ва Наманган вилоятининг Поп шаҳрида¹⁴⁹ этносоциологик тадқиқот ўтказдик.

Андижон шаҳрида ўтказган этносоциологик тадқиқотимизга кўра, қалин аҳоли ичида буткул йўқолиб кетмаганлигини кўрсатди (13, 14, 15-диаграммалар). Респондентларнинг 5,7 % қалинни берганлар, 6,1 % қалинни олганлар.

Кўрсаткичлар кам бўлишига қарамасдан, бу «водийда қалин умуман йўқ», деган гапни инкор этади. Аммо бир нарсага эътибор бериш керак. Қалинни у ерда «қўй-гуруч» билан адаштиришадиганлар ҳам бор. Тадқиқотларимизда бунга биз кўп амин бўлганмиз. Шу сабабли, бу маълумотларни биз нисбий, деб ўйлаймиз.

XX асрнинг бошларида, юқорида айтганимиздек, қалин сут пули деб аталишига қарамай, анкетага уни алоҳида савол тариқасида бердик. Респондентларнинг ҳеч қайси қалин билан сут пули бир нарса эканлигини кўрсатмади. Балки уни қалиндан алоҳида тушунишлари маълум бўлди (16, 17, 18-диаграммалар).


Поп шаҳрида Андижонга нисбатан ахборотчилардан қалин саволига кўпроқ ижобий жавоб олдик. 18,6 % респондентлар қалинни берганлар, 15,8 % респондентлар эса қалинни олганлар (19, 20, 21-диаграммалар). Камчилик бўлса ҳам (2 %) қалин билан сут пули бир нарса, деб фақат поплик ахборотчилар жавоб берди (22-диаграмма). Фақат 4,6 % респондентлар сут пулини қалиннинг ичида берганликларини, 5,3 % респондентлар сут пулини қалиннинг ичида олганликларини маълум қиладилар. 2,3 %

¹⁴⁷ Дала маълумотлари: Андижон в. (Андижон ш., Булоқбоши ва Хўжаобод т.), 2004–2006 й.; Фаргона в. Кўкон ш., 2004 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.;

¹⁴⁸ Этносоциологик тадқиқот: Андижон ш., 2006 й. Сўровнома 100 кишидан олинган, 35 % эркаклар, 65 % аёллардир. Ахборотчиларнинг ёши: эркаклар – 20 – 71 гача; аёллар – 17 – 56 гача. Ахборотчиларнинг ижтимоий аҳоли: ишчи (саноат) 9 %; ишчи (киш. хўж.) 2 %; хизматчи 49 %; нафақадор 13 %; бошқа (студент, уй бекаси, ўқувчи, хунарманд, тадбиркор, савдогар, оксокол) 27 %.

¹⁴⁹ Этносоциологик тадқиқот: Наманган в. Поп ш., 2006 й. Сўровнома 100 кишидан олинган, 43 % эркаклар, 57 % аёллардир. Ахборотчиларнинг ёши: эркаклар – 25 – 69 гача; аёллар – 20 – 53 гача. Ахборотчиларнинг ижтимоий аҳоли: ишчи (саноат) 7 %; ишчи (киш. хўж.) 4 %; пудратчи дехкон 10 %; фермер 18 %; хизматчи 44 %; нафақадор 5 %; бошқа (уй бекаси, тикувчи; зиёли; савдогар; МФЙ раиси; МФЙ посбони) 12 %.


Андижон шаҳрида олиб борилган этносоциологик тадқиқот




13-диаграмма (Умумий)




14-диаграмма (Эркактлар)




15-диаграмма (Аёллар)



16-диаграмма (Умумий)



17-диаграмма (Аёллар)




18-диаграмма (Эркактлар)


Поп шахрида олиб борилган этносоциологик тадқиқот




19-диаграмма (Умумий)




20-диаграмма (Эркаклар)




21-диаграмма (Аёллар)



22-диаграмма (Умумий)



23-диаграмма (Эркаклар)



24-диаграмма (Аёллар)

респондентлар сут пулини қалин ва тиктириш пулидан алоҳида берганлар, аёлларда бу ҳол кузатилмайди (23, 24-диаграммалар).

Умуман олганда, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунга келиб, аҳоли (қарияларни айтмаса) сут пулини қалиндан алоҳида тушунади (қаранг: 16, 17, 18, 22, 23, 24-диаграммалар). Масалан, Қўқон шаҳрида ахборотчилар қалинни буткул инкор этган ҳолда аҳолининг ичида сут пулини тўлаш урф эканлигини эътироф этадилар.¹⁵⁰

Хулоса шуки, қалин водийдан буткул йўқолиб кетмаган. Буни биз қипчоқ ва қарлуқ қабилаларида кўрамиз. Худди шу тадқиқотимизга кўра, сўров қилинганларнинг Андижонда 18 % қипчоқлар, 1 % қарлуқлар, Попда 43 % қипчоқлар, 25 % қарлуқлардир. Қалин шу қабилаларда учрайди. Бу нафақат қалиннинг, балки уруғ-қабилачиликнинг ҳам водийда ҳали сақланиб қолганлигидан далолат беради. Ҳолбуки, дала маълумотларимизда ахборотчилар бу нарсани инкор этган эдилар.¹⁵¹

Зарафшон водийсида, асосан, пул ва бир-икки қорамол (чорва) билан тўлаганлар. Негаки, дастлаб кўчиб юрувчи ўзбек халқи этник қатламлари пулга эҳтиёж сезмаганлар, улар ўтроқлаша борган сари пул муомаласини ҳам ўзлаштира борганлар.¹⁵² XIX асрнинг 70-йилларида Зарафшон водийсида кўчманчи ўзбеклар ўтроқлашган, аммо ўзларининг кўчманчи анъаналарини ва уруғ-қабилачиликка асосланган муносабатларини сақлаб қолганлар. Бой оилалар қалинни пул билан ёки эшак, туя, йилқи, қўй подаси билан берган. А.Д. Гребенкиннинг маълумотларига кўра,¹⁵³ агар яхши дўстлар ё камбағаллар ўзаро никоҳланса, у ҳолда қалин тўланмаган, аммо бу одатга барча ўзбеклар ҳам амал қилмаган. Муаллиф яна шунга урғу берадики, қалин Зарафшон водийсида ўзининг олдинги аҳамиятини йўқотиб, оддий совға-салом ёки зиёфатга қилинадиган харажатга айланган.

¹⁵⁰ Дала маълумотлари: Фарғона в. Қўқон ш., 2004 й.

¹⁵¹ Дала маълумотлари: Андижон в. (Андижон ш., Булокбоши ва Хужабод т.), 2004–2006 й.; Фарғона в. Қўқон ш., 2004 й.; Наманган в. (Наманган ш., Поп т., Поп ш.), 2006 й.;

¹⁵² Мусақулов А. Қалин // Мулоқот. 1992, № 11–12, 53–б.

¹⁵³ Гребенкин А.Д. Узбеки // ТВ. 1871, № 29, 30.

Умуман олганда, ўтмишда Зарафшон воҳаси кишлоқларида қалинни 1000 тангагача тўлаганлар.¹⁵⁴ Зарафшон воҳасининг Иштихон, Пайариқ туманларида 1917 – 1925 йилларда қалин оиланинг моддий аҳволидан келиб чиқиб 2 та қўй, 1 та бош қорамол, ғалла, пул ва бошқалардан иборат бўлган. Аммо Зарафшон воҳасининг ҳамма жойларида ҳам қалин бир хилда тўланган деб бўлмайди. Воҳанинг баъзи туман ва кишлоқларида қалин пул билан тўланса, бошқа жойларда хилма-хил буюм ва чорва тарзида тўланган.

Юқори Зарафшон воҳасининг Булунғур, Бахмал туманларида қадимда ўрта ҳол оилаларда 3 – 4 та қўй, 20 – 30 минг пул, 1 та ғожари гилам билан қалин берилган. Баъзи ҳолларда эса қалин чорва кўринишида берилган. Чорва билан қалин бериш ўтмишда қозоқларда, қирғизларда ва қипчоқларда ҳам мавжуд эди.

Пайариқ, Иштихон туманларининг тоғли кишлоқларида қалин фақат йирик ва майда туёқли чорва билан берилган. Уларнинг сони 8 – 10 тагача етган. Умуман, қалиннинг катта ёки кичик миқдорда бўлиши куёв томоннинг иқтисодий барқарорлигига боғлиқ бўлган.¹⁵⁵ Келтирилган қалиндаги буюмлардан келиннинг яқин қариндошларига сарпо бериш одати кенг тарқалган. Ҳозир ҳам ўзбекларнинг баъзи уруғларида (қирк, юз, туёқли) келтирилган қалин молдан келиннинг холаси ёки аммаси бирон-бир буюмни олади.¹⁵⁶

Мол билан қалин тўлаш қозоқларда кенг тарқалган.¹⁵⁷ Воҳа тожикларида қалинни куйидагича тўлаганлар: 2 – 3 қўй, от ёки сигир, ғалла шулар жумласидан. Қалин учун совға, кийим-бош, янги оила учун бўладиган харажатлар тариқасида тўланган. Қалин эвазига келин томонга келтирилган сигирни қизнинг отаси бирбор йўқлов қилганидан сўнг энчи сифатида қайтарган. Шу билан бирга воҳанинг баъзи туманларида қалиннинг нималигини билишмаган.

¹⁵⁴ Моногарова А.Ф. Семья и семейный быт / Этнографические очерки узбекского сельского населения. М., 1969, стр. 228.

¹⁵⁵ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 37–38-б.

¹⁵⁶ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Т., 1974, стр. 308.

¹⁵⁷ Қаранг: Аргынбаев Х.А. Свадьба и свадебные обряды казахов в прошлом и настоящем // СЭ. 1974, № 6, стр. 69–77; Аргынбаев Х.А. О некоторых пережиточных формах брака у казахов / Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана (отв. ред. Г.П. Снесарев). М., 1978, стр. 94–105.

Бир қишлоқда яшаган қариндошлар қуда бўлишса, куёв томон келин томоннинг тўй учун бўладиган харажатларини деярли ҳаммасини ўз зиммасига олган. Вақти-вақти билан келин томонга тўй ўтгунча совға-салом юбориб турилган. Ҳатто келин учун тайёрланадиган сепга ҳам харажатлар қилиб, қизнинг ота-онасига яқиндан ёрдам берган.¹⁵⁸

«Энчи» – ота вафот этмасдан бурун ўз мол-мулкларини фарзандларига тақсимлаб қўйиш одати. Эн ёки ин ўзбек тилида белги ёки тамга маъносини билдиради. Масалан, қўй ва бошқа ҳайвонларнинг қулогига кесиб белги солди маъносига қўлланган. Узатилган қизларга ҳам энчидор бериш одати ҳамма туркий халқларда кенг тарқалган.

Демак, қалин миқдори, асосан чорвадор халқларда катта бўлган. Масалан, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида қозоқларда қалин 5 – 10 бош қорамол билан белгиланган.¹⁵⁹ Бугунги кунда қозоқларда қалинга 1000 \$ берилиши бу табиий ҳолдир. Сирдарё бўйларида яшаган қирғизларда қалин ўртача 6 – 8 бош қўй, келин учун ўтов, қизни олиб кетиш учун от ва бошқалар тариқасида тўланган. Қиз учун ўтов бериш Юқори Зарафшон воҳасининг баъзи тоғли ноҳияларида ҳам учрайдиган одатдир.¹⁶⁰

Ҳозирда Ўзбекистонда энг катта қалин пули Навоий вилоятида қозоқлар турадиган жойда берилиб, 2003 йилда у 1 – 1,5 млн. сўм пулни ташкил қилган. Пулга от ҳам қўшиб берадилар. Пулни, албатта, чорвадан ё йилқидан оладилар.¹⁶¹

Шундай қилиб, биз қалиннинг ҳажмини ўтмишдан то ҳозиргача аҳолининг яшаш жойи ва турмуш-тарзи билан, шарт-шароити билан бир-биридан фарқ қилишини кузатдик. Қалин дастлаб нарса-буюм, чорва сифатида пайдо бўлиб, кейинчалик ўтроқ ўзбекларда қалин деганда фақат пул тушунилиши ва унинг

¹⁵⁸ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 38–39-б.

¹⁵⁹ Аргынбаев Х.А. Свадьба и свадебные обряды казахов в прошлом и настоящем // СЭ. 1974, № 6, стр. 70.

¹⁶⁰ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 39-б.

¹⁶¹ Дала маълумотлари: Навоий в., 2003 й.

бугунги кунга келиб, нархининг тушиб кетиши қалинни ҳозирда фақат расмиятчилик учун, яъни ўтмишдан қолган бир одат сифатида бажарилишидан далолат беради. Аммо, шу билан бирга, чорвадор аҳолида қалин миқдори ва анъанаси катта. Масалан, ҳозир ҳам Ўзбекистонда, асосан қозоқлар, туркманлар турадиган жойларда – Навоий, Хоразм каби вилоятларда, ўз навбатида Қозоғистон, Туркменистон давлатларида шундай.

ЎЗБЕКЛАР ҲАЁТИДА ҚАЛИННИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Қалиннинг ўзбеклар ҳаётида тутган ўрни, унинг зарурияти тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда қалиннинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда унинг сақланиш сирини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Совет ҳукумати ўрнатилгач, то сўнгги йилларгача қиз узатиш билан боғлиқ бўлган қалин бериш одати ўзбек халқи тарихи, урф-одатларини камситувчилар учун катта баҳона бўлиб келди. Ўзбекларда ҳанузгача қизларни мол, буюм ёки қул сифатида сотиш қолдиқлари учраб туради, ўтмишда эса бу одат жуда ривожланган эди, деганлар учун ҳам асосий дастак қалин масаласи бўлди.¹⁶² Мустақиллик йилларида ҳам қалинга аёлларни камситувчи одат сифатида қараб келиняпти.¹⁶³ Албатта, ҳозир қалин собиқ Совет давридагидек қораланмайди, балки уни танқид қилувчилар, окловчилар, шунингдек, унга бефарқ қаровчилар пайдо бўлгандир.

Октябр тўнтаришидан (1917) кейинги дастлабки даврда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилиши натижасида хотинларнинг ташаббуси билан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволари кўпая бошланган бўлса, кейинчалик бу кураш хотин-қизлар оммасининг кўпчилик бўлиб қалинга ҳам қарши курашидан иборат бўлди.¹⁶⁴ Бироқ қалинга қарши кураш фақат тарғибот-ташвиқот ишлари билан кифояланиб қолмади.

Биринчи марта, 1921 йил 14 июнда Туркистон АССРда қабул қилинган декретда қалин қонуний равишда ман этилди. Аммо Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида бу ҳақда ҳеч

¹⁶² Қаранг: Окмуродов Т. Қайта қуриш шароитида меҳнат, турмуш ва мафкуравий тарбия. Т., 1990; Умурузокова О. Социалистик турмуш ва мафкуравий тарбия. Т., 1967; Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975; Ўша муаллиф. Брак / Семейный быт народов СССР (отв. ред. Т.А. Жданко). М., 1990; Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 215-б.; Народы Средней Азии и Казахстана. М., 1962;

¹⁶³ Қаранг: Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1994; Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995; Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 52–66 ва б.

¹⁶⁴ Қаранг: Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995.

нирса қабул қилинмади. Кейинчалик бу тақик Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари жиноят кодексида ўз аксини топди. Никоҳ ҳуқуқида белгиланган шартларни ҳимоя қилишда Ўзбекистон ССРнинг 1926 йил 1 июлдан амалга киритилган Жиноят кодексининг маҳаллий-маиший жиноятларга бағишланган махсус бобида қалин тўлаш (273-модда), кўшхотинлик (275-модда) ва бошқа жиноят составлари кўрсатилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида қалинга қарши ҳеч қандай модда киритилмаган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг асосий қоидалар бобининг 8-моддасида шундай дейилган:¹⁶⁵

«Қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади».

1926 – 27 йилларда эски турмушга қарши «Хужум» компанияси¹⁶⁶ кенг авж олдириб юборилди. Бу компания ҳам хотин-қизларни озодликка чиқаришда, ҳам Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда янги турмушнинг таркиб топиш масаласини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Совет ҳукумати тугаётган маҳалда ҳам дин, қадимги маросимлар билан бўлган кураш тўхтамади. Буни биз «Ислом. Справочник»идан ҳам билишимиз мумкин. Унда бу ҳолат куйидагича ёзилади: «СССРда қалин тўлаш одати тугаб бораётган ўтмиш сарқитларидан биридир. Лекин қалин ҳали ҳам бошқа яширин шаклларда учрайди. Айрим совет республикаларида қалин тўлаган ва олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қалин

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган Ўзгарिश ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Т., 2007, 6-б.

¹⁶⁶ Қаранг: Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995; Лобачёва Н.П. Брак / Семейный быт народов СССР (отв. ред. Т.А. Жданко). М., 1990; Умурзокова О. Социалистик турмуш ва мафқуравий тарбия. Т., 1967; Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975; Тохтаходжаева М. Утомленные прошлом. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. Т., 2001; Kamp M. The new woman in Uzbekistan. Islam, Modernity, and Unveiling under Communism. Seattle & London, 2006.

ва унинг кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бориш хозирги кунда ҳам муҳим вазифадир».¹⁶⁷

Қалинга қарши кураш ҳеч қандай ўзининг натижасини бермади, десак хато бўлади. Совет даврида пайдо бўлган «қизил тўй», «комсомол тўй» каби янги тўйларда қалин ёки сут пули кўп ҳолларда берилмаган.¹⁶⁸ Аммо, шу билан биргаликда, аҳолининг ичида уни пинҳона бериш ҳам давом эттирилган.

Қизил тўй, комсомол тўй – эски урф-одатлар бажарилмайдиган, ислоҳ этилган янгича никоҳ тўйи. Қизил тўй Ўрта Осиёда ilk бор 1920-йиллардан бошлаб пайдо бўлди. 1957 йилда Андижон шаҳрида 1920-йиллардаги тўйлардан фарқли ўлароқ янги – комсомол тўйи ўтказилди. Ушбу тўй Охунбобоев номли театрда нишонланди. Бирданига тўртта жуфтлик никоҳдан ўтди.¹⁶⁹ «Қизил тўй» билан «комсомол тўй»нинг фарқи шундаки, «қизил тўй»да анъанавий урф-одатлар қисқартирилган шаклда озгина бўлса ҳам бажарилса-да, «комсомол тўй»ларида улар умуман бажарилмайди ва бундай тўйлар, албатта, Маданият уйларида, клубларда, «бахт уйларида», маҳалла комитетларида ўтказиларди. XX асрнинг 60-йилларидан, аввало «қизил тўй», кейинроқ «комсомолча тўй» деб номланган «янгича» тўйлар кенг нишонлана бошлади. Сўнгра бу тўйлар «базм» деб атала бошланди. Бундай тўйларда спиртли ичимликлар истеъмол қилинарди,¹⁷⁰ ҳатто келин-куёвнинг «горька» қилиш одати ҳам учраб турарди. Бунга «Ёр-ёр» конофилмидаги «қизил тўй» саҳнаси яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин «исломий тўй»лар пайдо бўлди. Спиртли ичимликларнинг тўйда истеъмол қилиниши шунчалик табиий бўлиб қолган эдики, уларсиз тўйни тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Шу сабабли дабдабасиз, спиртли ичимликларсиз ўтказилган, аслида анъанавий тўй қилиб ўтказишга ҳаракат қилинган тўйларни «исломий» деб атай бошладилар. Кўпчилик «чаласавод» отинойи, муллаларнинг гапи билан бундай тўйларни мусиқасиз, ўйин-кулгисиз, кичиккина ўтказиб, тўйни

¹⁶⁷ Қалин // Ислоҳ. Справочник / М.А. Усмонов таҳрири остида. Т., 1987, 191-б.

¹⁶⁸ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2002–2003 й.

¹⁶⁹ Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975, стр. 48.

¹⁷⁰ Насруллаева Ҳ. Тўйга нега борасиз? // Ҳуррият. 1998, 4 ноябр.

ваъзхонликка айлантириб юборардилар. Аслида эса бу нотўғридир. Бугунги кунда ҳам «исломий тўй»лар учрайди. Ҳозирги «исломий тўй»лар спиртли ичимликларсиз, эркакларсиз, фақат аёллар иштирокида ўтказилиб, бу тўйда куёв ҳам қатнашмайди.

Собиқ Совет ҳукумати қанчалик даражада қалинни йўқ қилишга уринмасин, у барибир деярли ҳамиша мавжуд бўлган.¹⁷¹ Юқорида айтганимиздек, қалинни сут пули, куёв совғаси деб атай бошлашган. Қалин бериш одати ибтидоий даврдан то ҳанузгача шунчалик даражада муҳим ҳисобланганки, уни ҳеч қандай қонун ва тарғибот-ташвиқот ишлари ҳаётдан чиқариб ташлай олмаган. Нима сабабдан?

Қалин тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида синалиб ҳаётий эҳтиёж туфайли пайдо бўлган, фақат ислом динидаги халқлар учунгина хос бўлмаган одатлардан биридир. Тарихчи-этнограф олим К. Шониёзов «К этнической истории узбекского народа»¹⁷² номли асарида, ўзбек халқи тарихидаги никоҳ ҳақида шундай ёзади: «... ўзбекларда, шу жумладан, қипчоқларда никоҳ эндогам, яъни уруғ доирасида бўлган. Қизни ўз уруғидан ташқарига бермасликка ҳаракат қилганлар. Бу одат иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиққанга ўхшайди. Қиз бола турмушга чиққанда ота мулкидан сеп сифатида ўз улушини олган. Бундан ташқари, ота вафотидан сўнг ҳам қиз бола шарият бўйича ота мулкининг бир қисмига эгалик қилган. Қиз боланинг бошқа уруғга берилиши мулкнинг бир қисмини бошқа уруғга ўтишига олиб келган... Икки ака ёки икки опа-сингил болалари ўртасидаги никоҳ энг кўп тарқалган ва кўнгилдагидек иш бўлган. Никоҳнинг қалин тўлаш билан боғлиқ тури жуда кенг тарқалган. Қалинини аниқлашда аввал никоҳланувчиларнинг уруғи бўйича яқинлиги ҳисобга олинган». Аммо баъзилар катта қалин эвазига қизларни бошқа уруғга узатиш ҳоллари учраган. Бу одатнинг негизида уруғ-аъзоларнинг катталари ўтиб кетгандан кейин уруғни

¹⁷¹ Қаранг: Джаббаров И.М., Салимов Т.У. Современные этнические процессы в Узбекистане. Т., 1985, стр. 9, 20; Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии). Бишкек, 1998, стр. 29; Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 28-б.

¹⁷² Қаранг: К.Шаниязов. К этнической истории узбекского народа. Т., 1974, 302–308-б.

мустаҳкамлаш, ўзаро алоқанинг узилиб қолмаслиги ҳам кўзда тутилган.¹⁷³

Демак, қалин олиш одати тарихан уруғнинг яхлитлиги, уруғ мулкини сақлаб қолиш эҳтиёжидан келиб чиққан, қизларни камситмаганлар, балки уларга улуш ажратилган. Бу улуш ҳатто қиз узатилгандан кейин ҳам сақланиб қолган, одатдагидан кўпроқ қалин қиз бошқа уруғдаги йигитга узатилганда талаб қилинган. Бундан мақсад қизни пуллаш ёки куёв томонни шилиш эмас, балки қиз олиб кетган ва ота вафотидан сўнг олиб кетиши мумкин бўлган улуш ўрнини маълум даражада қоплаш, уруғ мулкига мумкин қадар зарар етказмаслик бўлган. Ўзбекистоннинг кўпгина туманларида йигит ва қиз фотиҳа қилинган куни қалин пулидан келганларга тарқатиб чиқилган. Бунга сабаб шундаки, тарихда тўйлар ҳам одатда бир уруғ доирасида қолган. Мантиқан олганда уруғ жамоаси ҳеч қандай иқтисодий зарар кўрмаган. «Ўроқлининг тўйида сўйлоқлининг (ўроқли, сўйлоқли – уруғ номлари) неси бор?» каби мақоллар ана шу тарихий одатнинг ифодасидир.¹⁷⁴

Эндогамия (юнон. *endon* – «ичкарида») никоҳ тартибида никоҳ доимо шу қабиланинг ичида бўлган. Бу тартиб ўзбек оилаларида XX аср бошларигача кенг тарқалган бўлиб, у иқтисодий мақсадларни кўзда тутган. Уруғлар ўз қизларини бошқа уруғга бермас эдилар (масалан, қарлуқлар), чунки қизнинг бегона уруғга узатилиши оила мол-мулкининг бир қисми бошқа уруғга ўтишини англатарди. Шу сабабли, ака-сингил, опа-ука болалари ўртасидаги никоҳ энг мақбул ҳисобланган. Бу эса никоҳнинг «левират»¹⁷⁵ ва «сорорат»¹⁷⁶ шакллари сақланишига сабаб бўлган. Бундай никоҳда хотин, унинг бола-чақаси, мол-мулки ҳам

¹⁷³ Соатова С.А. Юқори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 35-б.

¹⁷⁴ Мусақулов А. Қалин // Мулоқот. 1992, № 11–12, 53-б.

¹⁷⁵ *Левират* – (лот. *levig* – «қайни», эрнинг укаси) тул хотин ўлган эрининг укасига эрга тегиш ҳуқуқига эга, ёки тегиши зарур, укаси эса, агар у уйланмаган бўлса, унга уйланиш ҳуқуқига эга, ёки уйланиши зарур.

¹⁷⁶ *Сорорат* – (лот. *sorog* – «опа») бир эркак ўз холасининг икки ёки бир нечта қизига уйланади. Кейинчалик бу одат ўзгариб бориб, хотини ўлган эркак хотиннинг сингилсига уйланиши керак, ёки мумкин, шу билан бирга, бу сингил, баъзан, агар унинг эри бўлмаса, унга тегиши шарт бўлади.

оиладан ташқарига чиқиб кетмас эди. Узатилаётган қиз ота мулкидан ўз улушини сеп тарзида олган.

Мулкдор оилаларда келиннинг сепи хилма-хил нарсалардан тортиб, баъзида тўла жиҳозланган ўтовдан иборат бўлган. Ҳатто чорва «энчи» ажратилган. Аёл ўз сепи, мерос олинган мол-мулки, вақт ўтиши билан ишлаб топганлари ва шу кабилардан таркиб топувчи ўзининг шахсий алоҳида мулкига эга бўлган. Ота вафотидан кейин қизлар оила мулкидан маълум қисмини мерос сифатида олганлар.¹⁷⁷ Қизнинг бошқа оилага – уругга келин бўлиши мол-мулк бир қисмининг бошқа жамоага ўтишини билдирарди. Қизларни ўз уругдан бегона уругга бермаслик одатларининг кенг тарқалганлиги ҳам оила мулкини сақлашга интилишдан келиб чиққан бўлиши керак.

Бу одат ҳозир ҳам мавжуд (Самарқанд (Челакда), Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида, водий аҳолисининг уругларида, Зарафшон воҳасида ва б.).

Бу ерда бир нарсани эътиборга олиш керак, уруг иқтисодий зарар кўрмаса ҳам, аммо тузилган болалар биологик зарар кўради. Қариндош-уруглар орасидаги никоҳлар натижасида пайдо бўладиган наслий хасталиклар аниқланганлигига қарамасдан, ўзбеклар орасида ҳанузгача эндогам никоҳлар қўрилади. Бунга уруглар унчалик даражада эътибор бермайдилар, бироқ бу тиббиёт томонидан тасдиқланган фактдир. Хусусан, ислом дини ҳам қариндош-уругчиликка асосланган никоҳларни тақиқлаб қўйган:

«Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий муносабатда бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром килинди) – агар хотинларингиз билан жинсий муносабатда бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги

¹⁷⁷ Соатова С.А. Юкори Зарафшон воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XIX аср охири – XX аср боши): Тарих фан. номз. ... дис. Т., 1999, 35-б.

эрларидан тугилган қизларга уйлансангиз) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган ўгилларингизнинг хотинларига (уйланишингиз) ҳамда она-сингилларни жамлашларингиз (яъни бирини талоқ қилмай туриб бошқасига уйланишларингиз) ҳаром қилинди. Магар илгари ўтган бўлса. (Аллоҳ авф этар). Албатта Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир».¹⁷⁸

«Нисо» сураси, 23-оят

Баъзи тадқиқотчилар қалинни аёлларнинг жамиятда кадр-қимматини иш кучи сифатида баҳолаш билан боғлиқ одат деса, айримлари аёлларнинг ижтимоий тенгсизлиги бошланиши билан юзага келган, деган фикрни билдирадилар. Ф. Отахўжаевнинг¹⁷⁹ ёзишича: «Қалинни тўлагач, никоҳ аҳдини тузиш келиннинг ота-онаси учун муайян фойда келтириб, камбағал оиладаги куёвнинг аҳволига жуда оғир таъсир этган... Қалин аёлларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиб, уларни олди-сотди объектига айлантирган. Келиннинг ота-онаси қизи бой-бадавлат эрга тегишидан манфаатдор бўлганлар. Ёши ўтган куёвлар келин учун кўпроқ қалин ва маҳр ажратганлар. Шунинг учун ота-оналар ўз қизларини кўпинча бой-бадавлат қарияларга бериб, ёш қизнинг умри хазон бўлишига сабабчи бўлганлар. Шундай қилиб, ким кўп қалин тўлаб, маҳр ажратса, у қизнинг эгаси саналиб, ўша кишига эрга чиқишга мажбур эди. Қалин бевосита келиннинг отаси тасарруфига тушиб, келиннинг қалинига ҳеч қандай ҳаққи бўлмаган, маҳр эса бевосита келиннинг шахсий мулки ҳисобланган».

Ғафур Ғулом¹⁸⁰ ва Ҳақима¹⁸¹ ўз мақолаларида қалин эвазига камбағал оилалар ёш қизларини (14 – 18 ёшдаги) «сотадилар», деб ёзадилар ва ўша даврда «сотилган» қизларга тўланган қалиннинг энг кам миқдорини кўрсатадилар, яъни 200 ва 270 руб. Қалин

¹⁷⁸ Куръони Карим / Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. Т., 1992, 55-б.

¹⁷⁹ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., 1995, 39-б.

¹⁸⁰ Ғафур Ғулом. Ғам тугуни / Янги йўл, 1928, № 11-12, Б. 12-14.

¹⁸¹ Қаранг: Ҳақима. Хотинлар ҳуқуқини помол [поймол] қилгучи / Янги йўл, 1929, № 2, Б. 5.

келинни сотиб олиш учун тўланади, деган фикрни М.О. Косвен, Н.А. Кисляков, М. Кэмп¹⁸² каби олимлар ҳам билдирган. С.П. Поляковнинг фикрича, ота келинни қалин ҳисобига сотиб олиб ва тўй харажатларини кўтариб, ўғилни ўзига боғлаб қўяди. Шу билан ўғил отасининг қилган бу «совғасини» «қайтариши» керак бўлади. Ўз навбатида, ўғил отасининг рухсатисиз келин билан ажрашиши мумкин эмасдир. Бу билан қалин, тўй ва шунга ўхшаш нарсалар янги оилани ота-онага нафақат «бурч» билан, балки ижтимоий ҳам боғлаб қўяди.¹⁸³ Умуман олганда, Совет даврида қалин тўлаш ўтмишнинг энг жирканч одатларидан бири, тарихан ибтидоий уруғчилик ва кулдорлик даврига хос қиз болани сотиш аъъанасига бориб тақаладиган, қизнинг инсоний кадр-қимматини ерга урадиган одат ҳисобланган.¹⁸⁴ Бугунги кунда ҳам бундай нуқтаи назарни кўллаб-қувватлайдиганлар (хусусан, Ғарб дунёсида) учрайди. А. Табышалиева қалинни тўлаш аёлларга нисбатан мол-мулкка, эри ва унинг барча қариндошларининг шахсий мулки сифатида муносабатда бўлишни очиқ кўрсатади, деб қалинга ўзининг салбий фикрини билдиради. Ва шу нарсани қўшимча қиладики: «Шунинг учун болалар ҳам эри ёки унинг қариндошларига тегишли бўлганлар».¹⁸⁵

Айтилган гапларда ҳам жон бор. Ҳақиқатан ҳам юқорида келтирилган маълумотларни архив ҳужжатлари¹⁸⁶ ҳамда турли манбалар¹⁸⁷ тасдиқлайди. Аммо юқоридаги гапларнинг ожиз томонлари ҳам мавжуд. Масалан, «олди-сотди объекти»га эътибор берсак. Қалинда келин сотиб олинади, деган қарашга қарши

¹⁸² Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т., 1960, 214-б.; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр. 66; Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism. Seattle & London, 2006, p. 118.

¹⁸³ Поляков С.П. Традиционализм в современном Среднеазиатском обществе / Мусульманская Средняя Азия. Традиционализм и XX век. М., 2004, стр.164.

¹⁸⁴ Қаранг: Исло. Справочник / М.А. Усмонов таҳрири остида. Т., 1987, 191-б.

¹⁸⁵ Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии). Бишкек, 1998, стр. 27.

¹⁸⁶ Қаранг: ЎзР МДА, Ф. И-17, Р. 1, Й. 3763; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3112; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3217; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3519; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3215; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3242; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3448; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3611; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3612; Ф. И-17, Р. 1, Й. 3558; Ф. И-36, Р. 1, Й. 2947.

¹⁸⁷ Узбеки. (Народы России. Среднеазиатские народы) / Природа и люди. Иллюстрированный журнал, литературный, научный и политический. 1880, декабрь, стр. 4; Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886 ва б.

жавобан рус олимнинг ўзи – С.Н. Абашин эр-хотин Наливкинларга изоҳ берган ҳолда Ўрта Осиёда қалиннинг, яъни куёв томон келин томонга қиладиган барча совғаларининг ҳажми келин олиб келадиган сепга тўғри келади, деб ёзади.¹⁸⁸ Қалин ҳақида асосан салбий фикрда бўлган А. Табышалиева ва эр-хотин Наливкинлар ҳам бу фактни тан олганлар.¹⁸⁹ «Қалиннинг маълум бир қисмини тўлаб, кейин қолганини тўлаш» одати ҳақида гапирганимизда биз бу маълумотни тўлиқроқ ёритганмиз. А. Табышалиеванинг ўзи қалинни фақат салбий тушуниш нотўғри бўлади, дейди. Жамиятнинг ўзгариши билан қалиннинг ҳам вазифаси ва тузилиши ўзгарди. Муаллиф қалин кўпинча ёшларнинг сепига ишлатилинарни ва олинган нарсалар ёш оиланинг дастлабки йилларида ёрдам берарди, деб тан олади.¹⁹⁰ Ўз навбатида, Г.С. Тошева ҳам ўз илмий изланишлари натижасида қалин пулига қарши бу қадар кураш олиб боришга ҳожат йўқ эди, деган хулосага келади. Чунки халқ ўртасида «қалин пули – қаллик пули» деган нақл юради. Шу ибора ҳам қалин пулининг қалликқа, янги оилага сарфланишини кўрсатади. Ахборотчилар билан ўтказилган мулоқотларда Қашқадарё воҳасида қалин пули асосан келиннинг бош-оёқ сарпоси ҳамда янги оиланинг уй жиҳозларини сотиб олишга сарфланиши аниқланди.¹⁹¹

Н.П. Лобачёва ҳам ўзбек тўйлари ҳақида маълумот берар экан,¹⁹² қалин Совет даврида таъқиқланганига қарамасдан, ҳали ҳам тўйларда берилишига урғу беради. Н.П. Лобачёванинг ёзишича, аҳолининг ўзи буни «тўйнинг харажатларини келин-куёвнинг сарпо-суруғига, уй-жиҳозларига кетади», деб тушунтиради. Аммо у буни окламаган ҳолда, қалинни икки ёш ўртасида тўсиқ бўлишини, ҳатто собиқ иттифоқ кулаганидан кейин

¹⁸⁸ Абашин С.Н. Калым и махр в Средней Азии. О «границах» в социальных отношениях / Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). М., 1999, стр. 156.

¹⁸⁹ Қаранг: Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886, стр. 202; Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии). Бишкек, 1998, стр. 27.

¹⁹⁰ Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии). Бишкек, 1998, стр. 87.

¹⁹¹ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 28, 30–6.

¹⁹² Қаранг: Лобачёва Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975; Ўша муаллиф. Брак / Семейный быт народов СССР (отв. ред. Т.А. Жданко). М., 1990.

ҳам таъкидлайди.¹⁹³ М.А. Бикжанова наманганлик ўзбекларда қалиннинг бир қисмини келиннинг ота-онаси кўпинча ўзига олиб қолса-да, у сеп тайёрлашга кетади, деб ёзади.¹⁹⁴ Демак, собик иттифокда қалиннинг амалда бўлиши тан олинган, унинг сабаблари ҳам кўрсатилган, аммо улар қалинни оқлаши мумкин эмас эди.

М. Кэмп ҳам шуни қайд қиладики, Совет ҳукумати ўрнатилгач, «барча мажбурий қурилган никоҳлар ва ёш узатилган қизларни қалин одати билан боғлаш осон бўлган».¹⁹⁵ Ҳақиқатда ҳам коммунист ва болшевиклар қалин бериш одатининг салбий томонидан унумли фойдаланишган ва барча мажбурий қурилган никоҳларни, ёш қизларни узатишларни, аслида уларнинг сабаби бошқа бўлса ҳам, қалин билан боғлайверишган. Ўзбеклар орасида мажбурий қурилган никоҳларни бугунги кунда ҳам учратиш мумкин. Аммо ҳозир буни ҳеч ким қалин бериш одати билан боғламайди. Болшевик реформаторлари барча тўй харажатларидан фақат қалинга нисбатан кураш олиб борганлар. Аммо қизнинг сепига шак-шубҳасиз табиий, нормал, мақбул (қабул қилса бўладиган), пок харажат деб қаралган.¹⁹⁶

Шуни айтиш керакки, юқоридаги гапларнинг аксарияти фақат ўтмишга тегишли бўлиб қолди. Чунки бугунги кунда ўзбекларда қалиннинг қиймати анча пастга тушиб кетган ва аксинча, келин сепи эса кўпайиб кетган. Албатта, бу Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига тегишли эмасдир. Масалан, Хоразм, Бухоро каби вилоятларда уларнинг урф-одатларига кўра, куёв томон қизнинг сепини ҳам кўтаради.¹⁹⁷ Қиз томон қиладиган сепнинг энг каттаси Тошкент шаҳрида бўлиб, 2005 – 2007 йилларда қиз томон тўйга, агарда барча тўй харажатларини ҳисобга олса, сеп билан бирга

¹⁹³ Лобачёва Н.П. Некоторые черты семьи хорезмских узбеков в середине XX в. // ЭО. 1999, № 3, стр. 58–60.

¹⁹⁴ Қаранг: Бикжанова М.А. Семья в колхозах Узбекистана. Т., 1959, стр. 28.

¹⁹⁵ Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism. Seattle & London, 2006, p. 119.

¹⁹⁶ Kamp M. The wedding Feast: Living the new uzbek life in the 1930s // Everyday life in Central Asia: past and present / edited by J.Sabadeo, R.Zanca. Bloomington and Indianapolis, 2007, p. 113.

¹⁹⁷ Дала маълумотлари: Хоразм в. (Урганч ш., Хива ш., Янги арик т., Қўшқўпир т.), 2005 й.; Бухоро в. (Бухоро ш., Шофиркон т.), 2007 й.

ўртача ҳисобда 7000 – 8000 \$ пул сарфлаган.¹⁹⁸ Бу дегани, қиз томоннинг тўйга кетадиган харажатлари, агарда ошиб кетмаса, куёв томоннинг тўй сарф-харажатлари билан камида тенг келади.

Тўғри, қалин нафақат ижобий, балки салбий томонларга ҳам эгадир. Ўтмишда никоҳ тўйида қалин миқдорининг катталиги, уни тўлашнинг қийинлиги тўйнинг ҳатто йиллаб чўзилишига сабаб бўлган. Қалин тўлаб уйланиш, албатта, оғир бўлган. Баъзида қалиннинг катта миқдорини узиш учун куёв келин хонадонига ишлаб бериши шарт бўлган. Қалин тўлаш имконияти бўлмаганлар келинни олиб қочиш одатини вужудга келтирган. Аммо биз қалинни кескин танқид қилишдан қочиб, шуни айтишимиз мумкинки, қиз узатиб, қалин олиб ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам ҳеч бир оила бойиб қолмаган. Аксинча, қиз узатган оилалар маълум муддат, баъзан йиллар мобайнида моддий қийинчиликларга дуч келганлар. Ўтмишда ёш қизларнинг қарияларга берилишига келсак, «беш кўл баробар эмас» деган мақолга таянган ҳолда, ҳамма оила ҳам қизини қарияларга беравермаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, қалин ҳажмини аниқлашда куёв оиласининг моддий ҳолати, қариндош ёки бегона эканлиги эътиборга олинган. Ҳатто қалин, шунингдек, маҳр қораланган «Ислом. Справочник»ида ҳам қалиннинг қанча бўлиши қудаларнинг шартлашувига, уларнинг жамиятдаги мавқеига, табақасига боғлиқ бўлган, деб тан олинади.¹⁹⁹

Тўғри, ўтмишда қалин камбағал йигитларнинг уйланишига тўсқинлик қилган. Унинг устига камбағаллар бойларга нисбатан кўпроқ ҳам бўлган. Аммо уларга нафақат қалин, балки бошқа маросим ва одатлардаги харажатлар ҳам тўсқинлик қилгандир. Агар қиз томон қалинини сўрамаса, оилага тўй оғирлик қилиши мумкин эди.

М. Тохтаходжаева²⁰⁰ куёв томоннинг энг катта харажатлари қалинга бориб тақалади, деб ёзади ва қалин ҳажми, этнографларнинг маълумотиغا кўра, 25 йил давомида (1960 йилларнинг ярмидан 1990 йилларгача) 23 баробарга кўтарилди, деб қўшимча қилади. Бу, албатта, ҳақиқатга тўғри келмайди.

¹⁹⁸ Дала маълумотлари: Тошкент ш., 2005–2007 й

¹⁹⁹ Қалин // Ислом. Справочник / М.А. Усмонов таҳрири остида Т., 1987, 191-б.

²⁰⁰ Тохтаходжаева М. Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. Т., 2001, стр. 210.

Юқоридаги жадвал бизга қалиннинг нархи ўтмишга нисбатан тушиб борганини кўрсатади.

Ҳозирги кунда, айниқса, қалин мустаҳкам ўрнашган Тошкент шаҳрида қалиннинг қиймати, юқорида кўрсатганимиздек, шунчалик даражада тушиб кетганки, келиннинг сарпоси эса шунчалик даражада ошиб кетганки куёвнинг берган қалин пули деярли ҳеч нарса бўлмайди, у фақат расмийчилик учун бажарилмоқда. Берилган озгина пулга қиз тараф куёвнинг ўзига ва куёв тарафга сарпо олиши керак. Аммо бу пулларнинг ўзи сарпо олишга ҳам етмайди. Шунинг учун ҳам, кўпинча қалин ёки сут пулини қиз тараф ўзининг кам-кўстига ишлатади. Шу сабаб биз қалинга аёлларни шаънини, кадр-қимматини камситадиган, олди-сотди объектига айлантирадиган одат, деб қарамасдан, балки қиз томонга кўмаклашиш, тўйнинг оғир қисми тушиб қолмаслиги учун берилади, деб ҳам тушунамиз.

Ҳатто рус олимларининг²⁰¹ ўзи қалиннинг катта қийматини эрхотиннинг ўзбошимчалик ва бесабаб ажралишлардан кафолатлайди, деб сабабини тушунтирадилар. Ўтмишда қалиннинг маълум бир қисми тўлангандан кейин ҳам, камдан-кам ҳолларда никоҳ бекор қилинган. Чунки қиз томон рад жавобини берса, берилган қалинни қайтариши керак, йигит томон рад жавобини берса, тўлаган қалинидан воз кечиши керак бўлган.²⁰² Худди шу ҳолат келин ё куёвнинг бевақт ўлими юзасидан ҳам бўлган. Бундай ҳолда қалин қайтармасликнинг бошқа йўли бўлган: агар куёв вафот этса, келин унинг акаси ё укасига турмушга чиқади (*левират*), агар келин вафот этса, куёв унинг синглисига ё опасига уйланади (*сорорат*), баъзида бундай ҳолларда куёв берилган қалин пулига яна озгина ҳақ қўшган.²⁰³ Бундай ҳолатни XIX асрда Кавказ

²⁰¹ Қаранг: Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886; Кисляков Н.А. Калым и приданное у таджиков // Родовое общество. Этнографические материалы и исследования. М., 1951, стр. 195; Ўша муаллиф. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969; Поляков С.П. Традиционализм в современном Среднеазиатском обществе / Мусульманская Средняя Азия. Традиционализм и XX век. М., 2004, стр. 164.

²⁰² Қаранг: Kamp M. The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism. Seattle & London, 2006, p. 24.

²⁰³ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969, стр.67–68.

халқларида ҳам кўриш мумкин эди.²⁰⁴ Агарда никоҳ қуриш билан хотиннинг уйдан кетиши ўртасида анча вақт ўтган бўлса ҳам, қалин қайтарилган. Агар эр ажралиш истагини билдириб, хотинини уйдан ҳайдаса, у ҳолда эрнинг қалин сўрашга ҳаққи бўлмаган.

Шунинг учун ўзбек оилалари ва умуман, Ўрта Осиёликлар ичида ажралишлар жуда кам бўлган. Қолаверса, эр ўзига иқтисодий зарар қилмасдан, ёқтирмаган (ё яна бошқа сабаблар бўлиши мумкин, масалан, ўртада фарзанднинг йўқлиги) хотинини талоқ қилишдан кўра, унинг устига яна бир ўзи ёқтирган хотин олишни афзал кўрган (албатта, бу ҳаммага тегишли эмас). Буни биз салбий оқибат деб тушунишимиз лозимми ёки ижобий, айтиш қийин. Ҳамма ҳар хил баҳолайди. Аммо хотин эрининг ёмонлигидан азоб тортиб, туғилган уйига қайтиб келганда, унинг отаси қалинни куёвга қайтармаслик учун қизини уйида қабул қилмаса ва шу билан уни бир умрга шу никоҳда бахтсиз яшашига сабабчи бўлса, бу албатта, қалиннинг салбий оқибатига киради. Лекин ҳар доим ҳам шундай бўлавермаган, ҳамма оталар ҳам бундай иш тутмаганлар, қолаверса, қиз ўзиникида туриб олса ё ўзини ўлдириш билан кўрқитса, ота одатда ортга чекиниб, қалинни қайтаришга мажбур бўлган ва шу билан қизини бахтсиз никоҳдан сақлаб қолган.²⁰⁵

Ҳозирда аксинча, ажралишлар борган сари кўпайиб бормокда, чунки уларга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Ажрашганда эр хотинидан қалин пулини талаб қилмайди, ҳаттоки хаёлига ҳам келтирмайди, шу билан биргаликда «ажрашсам қалин хотинимда қолиб кетади», деган ўй ҳам эрни хавотирга солмайди. Яъни қалин ажралишда ва умуман, тўйда ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Бугунги кунда ўзбеклар ичида қалинга бўлган муносабатни салбий дейиш қийин. Этносоциологик тадқиқотда²⁰⁶ респондентларга «Қалин (сут пули) бериш одатига сизнинг муносабатингиз?» деган савол билан мурожаат қилинди. «Қалинни одат сифатида бажариш зиён қилмайди», деб 48 % (аёллар –

²⁰⁴ Қаранг: Ковалевский М.М. Очерк происхождения и развития и собственности. М., 1939, стр. 33.

²⁰⁵ Қаранг: Кисляков Н.А. Калым и приданное у таджиков // Родовое общество. Этнографические материалы и исследования. М., 1951, стр. 195.

²⁰⁶ Этносоциологик тадқиқот: Тошкент ш., 2007 й.

37,9 %, эркаклар – 53,3 %), «Қалин бўлмаса, қизнинг ота-онасига тўй қилиш/жуда оғир», деб 41 % (аёллар – 48,3 %, эркаклар – 26,7 %) респондентлар жавоб бердилар. Ундан ташқари респондентлар қуйидаги ижобий жавобларни бердилар: «Сут пули онани рози қилиш учун берилади» – 1 % (фақат аёллар жавоби – 1,7 %), «Ижобий» – 1 % (фақат аёллар жавоби – 1,7 %), «Қалин бериш керак» – 1 % (фақат аёллар жавоби – 1,7 %). Шу билан биргаликда қалинга нисбатан салбий фикрлар ҳам билдирилди, аммо улар камчиликни ташкил қилади: «Қалин аёлларни хўрловчи одат, уни йўқотиш керак» – 4 % (аёллар – 3,4 %, эркаклар – 13,3 %), «Керак эмас» – 1 % (фақат эркаклар жавоби – 6,7 %). «Билмайман», деб фақат 3 % респондентлар жавоб бердилар.

Умумий хулоса қилиб айтганда, 50 % аҳоли қалинни, асосан одат сифатида бажаради ва шу билан биргаликда ундан иқтисодий мақсадларни ҳам кўзлайди. Лекин аёллар билан эркаклар жавобини солиштирганда, шу нарса маълум бўлади-ки, эркаклар қалинга, асосан тўй маросимларининг ичидаги бир одат сифатида қарашади. Фақатгина қиз узатган эркаклар қалинсиз қизнинг ота-онасига тўй оғирлик қилиши мумкин, деган фикрни билдирадилар (Ўзларининг бошларидан ўтказганларидан кейин). Аёлларда эса аксинча. Улар қалинга, асосан қиз ота-онаси учун тўйда кўмак бўладиган одат сифатида қарашади. Шунинг учун ҳам қалинга аёлларни хўрловчи одат сифатида қараш бўйича эркакларга нисбатан аёллар камчиликни ташкил қилади. Қалинга салбий фикрни билдирганлар бошқа вилоятлик ўзбеклар бўлиб, уларда қалин одати йўқолиб кетгандир. Тадқиқот ҳисобига кўра, улар жуда кам фоизни ташкил қилади. Қалин ҳали амалда бўлган Тошкент шаҳрида асли тошкентлик респондентларнинг ҳеч бири қалинга салбий фикр билдирмаган.

Ўз навбатида, Г.С. Тошеванинг Қашқадарё воҳасида ўтказган этнографик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, баъзи қизлар йигитларни севиб турмуш қуришни хоҳлайдилар, қалинни маъқул кўрмайдилар, бир гуруҳ қизлар эса қалинни куёв томондан янги оиланинг турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги восита сифатида маъқул кўрадилар.²⁰⁷ Бу борада биз қўшимча қилмоқчимиз, яъни

²⁰⁷ Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. номз. ... дис. Т., 2002, 37-б.

севишганларга қалин тўсқинлик қилмайди, айниқса Қашқадарё воҳасида, сабаби у ерда юқорида кўриб чиққан миздек, қалиннинг миқдори Ўзбекистоннинг бошқа жойларига нисбатан камдир.

